САИДБЕК ҲАСАНОВ,
ШОКИРХОН РУСТАМХЎЖАЕВ

БОБУР ШОҲНИНГ ИККИ ФАРМОНИ



ТОШКЕНТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ДАВЛАТ АДАБИЁТ МУЗЕЙИ

САИДБЕК ҲАСАНОВ
ШОКИРХОН РУСТАМХЎЖАЕВ

БОБУР ШОҲНИНГ ИККИ ФАРМОНИ

ТОШКЕНТ – 2010

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУРнинг серқирра фаолияти, илм-фанга, шеъриятга, хусусан давлатчилик тараққиётига қўшган улкан ҳиссаси ҳозир бутун дунё аҳлини ҳайратда қолдирмоқда. Лекин таассуфлар бўлсинки, Шўролар тузуми даврида Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Шоҳ Машраб, Суфий Аллоҳёр каби буюк бобокалонларимизнинг адабий, илмий-ижодий мероси, айниқса, Ислом дини, шарийъат ва тариқатга муносабати, ал-Қур'онул-карийм оятлари ва ҳадийси шарийфлар орқали фикрни далиллаш мақсадида жуда ўринли фойдаланганликлари каби муҳим масалалар четда қолди, бир томонлама, нохолис ва хато талқин этилди. Бунга, албатта, ўша даврдаги ҳукмрон мафкура ва атеизм *(яъни, худосизлик ғояси)* сабаб бўлган эди.

Хусусан, Советлар даврида буюк аждодларимизни *"даҳрий"* этиб кўрсатишга ҳаракат қилинган, уларнинг асарлари таҳлилида сунъий равишда Исломга, руҳоний, уламо ва шайхларга қарши айтилган сатрлар излаб топилган,[1] байтларнинг зоҳирий маъносига эътибор берилган, Аллоҳ субҳонаҳу ва таъоло, Расулуллоҳ (с.а.в.), Ислом ҳақида битилган мисралар, байтлар, ҳатто боблар ҳам қисқартирилиб, баъзи ҳолларда мутлақо тушириб қолдирилган эди. Масалан, А. Навоийнинг 15 жилдлик асарлар тўпламига кирган 6-жилддаги "Ҳайратул-аброр" достонининг Ислом дини, фалсафаси ҳақидаги бетакрор мисраларни ўз ичига олган 11 боб атайин тушириб қолдирилган.[2] Ваҳоланки, ушбу қисмлар мазкур дидактик достоннинг мағзини ташкил этаётган асосий манбалардан эди.

Маълумки, Шарқ Ислом адабиётида барча асарлар аввало, ***"Бисмиллоҳ"*** билан бошланган. Ундан кейин, Аллоҳ субҳонаҳу ва таъолога мадҳ – ҳамду сано ва Унинг ерда яратган махлуқотларнинг энг улуғи бўлган сўнгги Пайғамбари - Муҳаммад (с.а.в.)га салавотлар ила давом этиб, ул Пайғамбарнинг аҳлу оилаларига, хулафои рошидийнлари ва саҳобийларига саломлар йўллаш одати урф бўлиб келган эди. Шунингдек, *"Бобурнома"* нашрларида ҳам Аллоҳ субҳонаҳу ва таъолога ҳамд, Расулуллоҳ (с.а.в.)га салавотлар битилган сатрлар қисқартирилиб, баъзан эса, тушириб қолдирилган ёки таржима қилинмасдан келган. Иқтибос қилинган Ал-Қур'онул-карийм оятлари, таржималари изоҳланмаган, уларга шарҳ ҳам берилмаган. Энг ачинарлиси, китобнинг бошидаги *"Саккиз юз тўқсон тўққизинчи йил воқеалари"*дан кейин бошланган *"Бисмиллоҳир-раҳмонир-раҳийм"* калимаси батамом тушириб қолдирилган.[3]

Аллоҳга беадад шукрлар бўлсинки, юртимизга истиқлол неъмати насиб этгандан сўнг буюк аллома ватандошларимизнинг шахси, уларнинг қолдирган мероси холисона ёндашув ва талқинлар асосида ўрганила бошланди.[4]

Буюклар сиймоси мафкуравий тазйиқ ва цензуралар асосида эмас, балки холис илмий нигоҳ билан қайта идрок этила бошланди. Айниқса, буюк бобокалонимизнинг Исломий қарашлари ҳаққоний талқин этиладиган бўлди. Шу маънода Истиқлол шарофати туфайли эътиборингизга "Бобурнома"даги муҳим ҳужжат – икки фармоннинг қайта таржимасини ҳавола этмоқдамиз. Ушбу фармонлар ўша давр адабий тили бўлган форсийда *"Шах Зайннинг иншоси билан битилган"*[5] бўлиб, унда Ал-Қур'онул-кариймнинг 18 сурасидан 37 ояти форсий жумлалар орасида шийру-шакар тарзида етук балоғат ила иншо этилган. Унда кўтарилган асосий ғоя – инсонларни ичкиликдан қайтариш ҳисобланади, бу эса унинг ҳозирги кун учун нақадар долзарб эканлигини кўрсатади. Демак, Бобур Мирзо совет даврида тарих китобларида ёзилганидек "босқинчи", "золим", "феодал ҳукмдор"[6] эмас, балки халқ манфаатини, юрт тараққиётини ҳамма нарсадан устун қўйган, адолат тарозусини маҳкам ушлаган улуғ ҳукмдор ҳисобланади.

Қуйида подшоҳ Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ичкиликка қарши тавба Фармонининг биз томондан адо этилган ўзбек тилига қайта таржимасини тақдим этар эканмиз, берилган изоҳлар ҳақида иншо Аллоҳ, сиз, азиз китобхонлар томонидан билдирилажак фикр ва мулоҳазаларни интизорлик билан кутиб, мамнуният билан қабул қиламиз.

"ТАВБА ФАРМОНИ"[7]

"Тавба қилгувчиларнинг тавбаларини Қабул қиладиган ва ўзларини мудом пок тутгувчиларни Севадиган (Аллоҳ субҳонаҳу ва таъоло)га ҳамдлар бўлсин! Гуноҳкорларни Ҳидоят (Тўғри Йўл)га чорлагувчи ва истиғфор айтганларнинг гуноҳларини Кечиргувчи (Аллоҳ субҳонаҳу ва таъоло)га шукрлар бўлсин!

Бандаларининг энг аълоси бўлган Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламга ҳамда унинг покиза хонадони ва пок саҳобийларига салаватлар бўлсин!

Садоқат ва тўғрилик инжулари нақшини ўзида акс эттира олгувчи ҳамда ўз ра'йига эга бўлган оқил кишиларнинг фикр ойнаси ушбу маъно чечакларининг гавҳарини ўзлаштира олурки, инсон табиати ўзининг фитрат-яратилишига биноан, нафс лаззатларига мойил қилиб яратилгандир. Киши майлини уйғотадирган (гуноҳга сабаб бўлувчи) ёқимли нарсаларни тарк этиш эса, Аллоҳ таъолонинг тавфиқи ва илоҳий кўмакка боғликдир.

Дарҳақиқат, кишининг нафси ёмонликка осон мойил бўлади, зеро, ***«Мен нафсимни оқламайман. Чунки нафс, албатта, барча ёмонликларга буюргувчидир".***[8] Ёмонликларга буюргувчи нафсни

фақат Аллоҳ таъолонинг лутфу марҳамати билангина қайтара олиш мумкин бўлур. ***"Бу Аллоҳнинг фазлу марҳамати бўлиб, уни Ўзи хоҳлаган кишиларга ато этур. Аллоҳ улуғ фазлу марҳамат Соҳибидир".***[9]

Юқоридаги сўзларни ифода этиб, уларни баён этишдан мурод шулки, инсоннинг ожизлиги сабабли, подшоҳлар расм-русуми, подшоҳлик мансаби, мансабдорлар одати бўйича шоҳдан тортиб то сипоҳийларгача ўзларининг навқиронлик пайтларида шарийъат манъ қилган баъзи амалларга ва айрим ҳузур-ҳалавотларга ружуъ қилинар эди. Маълум бир фурсатдан кейин эса, пушаймонлик онлари келгач, у ҳузур-ҳалавотлардан бирма-бир воз кечилиб, Аллоҳ субҳонаҳу ва таъолога ихлос билан ***"чин тавба"***[10] қилиш орқали уларга қайтиш эшиги бутунлай ёпилар эди.

Аммо, мақсад ва талабларнинг энг муҳими ва буюкроғи бўлган ичкиликдан қайтиш тавбаси *"ҳар бир ишнинг ўз вақти бор"*[11] дегандек, парда орқасига яшириниб, юзини кўрсатмай келар эди, токи бу хайрли соатда зўр ғайрат билан ўз нафсимиз кўйига қарши курашга астойдил бел боғлаб, шавкатли Ислом лашкарлари билан кофирларга қарши жангга киришиш арафасида ғайб илҳомчиси ва ҳақиқат жарчисидан: ***"Иймон келтирган зотлар учун Аллоҳнинг зикри сабабли ... қалблари эриб, қўрқиш (вақти) келмадими?!"***[12] – деган ғойибона каломни эшитгач, гуноҳ ва саркашлик сабабларини илдизи билан қўпориб ташлаб, тавба дарвозасини астойдил қоқдик. Ва натижада, тавфиқ Йўлловчиси: *"Кимки астойдил эшик қоқса, киради"* (ёки *"Интилганга толеъ ёр")*[13] деган мазмунга мувофиқ, қабул эшигини очиб, аввало, бизни энг буюк жиҳод – *"жиҳоди акбар"*[14] ҳисобланган ўз нафсимизни тийиш билан жанг бошлашга амр қилди.

Ал-қисса, ***"Парвардигоро, бизлар ўз жонимизга жабр-зулм қилдик"***[15] оятини ихлос тили билан тиловат қилиб, ***"... Ўзингга тавба қилдим. Энди мен (Сенинг нақадар Буюк Зот эканингга) иймон келтиргувчиларнинг аввали-пешқадамиман"***[16] деган калом билан дилларни безаб, қалб хазинасида махфий қолган ичкиликдан қайтиш тавбаси бўлган истакни амалга оширдик.

Ушбу хайрли ҳукм боис, зафарли хизматчиларимиз ичкилик базмларини ўтмишда "безаб" келган ҳамда шарийъат (ҳукмлари) иззат-ҳурматини хор-зорлик тупроғига булғашга (сабаб бўлган) ва зийнатда само юлдузлари каби бўлган кўплаб тилла ва кумуш қадаҳлар ва бошқа асбобларни ерга уриб парчалаб, уларни мискин ва бечораларнинг (оёқлари ости)га ташлаб бердилар.[17] Иншо Аллоҳ таъоло, яқин орада (кофирларнинг) бут ва санамларини ҳам ана шундай ҳолда синдириб, парчалаб юборишга муваффақ бўлурмиз...

Аллоҳнинг изни билан қабул бўлажак ушбу тавбанинг баракоти туфайли, сарой яқинларидан кўпи. *"Кишилар подшоҳлари изидан*

борадилар (яъни, подшоҳларига эргашадилар)"[19] дейилганидек, шу мажлис жараёнида тавба қилиш шарафига эга бўлдилар ва май ичишдан батамом воз кечдилар. Аллоҳнинг (буюрган) амрига ва қайтарган амалларига итоат қилиб, тавба қилган кишилар шу пайтга қадар гурух-гуруҳ бўлиб, соат сайин ана шу саодатга эришиб, бахтиёр бўлмоқдалар.

Умид шулки, *"Яхшиликка далолат қилувчи билан уни бажарувчининг савоби тенгдир"*[19] деганлари каби мазкур амалларнинг савоби туфайлидан хушбахт Подшоҳнинг умри узоқ бўлиб, шу саодат баракотидан олға қадам босиш ва ғолиблик кундан-кун зиёда бўлғай!

Бу ният амалга ошиб, мамлакатда тинчлик-осойишталик тўлиқ ҳукм сура бошлагач, олам аҳли бўйсуниши лозим бўлган Фармон ижро этиш шарафига муваффақ бўлиб, ***Аллоҳ таъолонинг паноҳида сақланажак мамлакатимизда*** *(Аллоҳ таъоло ҳар хил офат ва хавф-хатарлардан Ўзи омон сақласин)*[20] мутлақо, ҳеч бир киши ичкилик ичмасин, уни ҳосил қилишга уринмасин, ичкилик тайёрламасин, сотмасин ва сотиб олмасин, ўзида сақламасин, бошқа ерга олиб бормасин ва у ердан келтирмасин:[21] ***"Бас, нажот топайин десангиз, ичкиликдан йироқ бўлингиз!"***[22]

"Ушбу фатҳларнинг шукронаси ва "холис тавба"[23] *қабулининг хайр-садақаси учун"*[24] подшоҳликнинг саховат дарёси жўш уриб, юрт ободончилиги ва инсонийлик кўрки бўлган сахийлик мавжлари зоҳир бўлди: (ва натижада), бутун мамлакат бўйлаб, ўтган султонлардан мерос бўлиб келган ва даромади ҳаддан ортиқ ҳисобланган, аммо ўзи ҳам пайғамбарлар Саййиди олиб келган шарийъат қоидаларига хилоф бўлган тамға-божни мусулмонлар зиммасидан олиб ташлаш ҳақида фармон қилинди.

Ушбу Фармонга биноан: ҳеч бир шаҳар, қишлоқ, йўл, кўча, гузар ва бандар-портларда тамға олмасинлар ва ундирмасинлар ҳамда бу ҳукмнинг бандларига ўзгартиш киритмасинлар: ***"Кимки ушбу (фармон)ни эшитганидан кейин ўзгартирса, гуноҳи фақат ўзгартирганнинг зиммасида (бўлур)!"***[25]

Подшоҳнинг меҳрибонлик соясида бўлган турк, тожик, араб, ажам, ҳиндий, форсий фуқаро ва сипоҳ – барча миллатлар, ҳамма Одам фарзандлари ушбу мангу эҳсонга суянган ҳолда умидвор бўлиб, абадий бирлашган давлатимиз ҳаққига дуода бўлсинлар, ҳамда ушбу ҳукм ижросидан четга чиқишга йўл қўйилмасин ва оғишмай фармонга мувофиқ иш олиб борсинлар!

Ушбу ҳукм улуғ Подшоҳ имзоси ила юқоридан етиб борса, унга иноиб амал қилсинлар!

"Аллоҳ (доимо қутқариб тургур) Подшоҳ Ҳазратнинг Олий фармонларига мувофиқ тарих 932 сана, жумодил-аввал ойининг 24 куни ёзилди."[26]

* * *

Иккинчи Фармон "Заҳириддин Муҳаммад Бобур ғозий Фармони" – *"Фатҳнома"ким, Шайх Зайн иншо қилиб эди, сабт бўлди"*, – дейилади "Бобурнома"да.[27]

Аён бўладики, ҳар бир Фармонга хос ва мос иншо этилган ҳамду сано ва салавотлар, Ал-Кур'онул-карийм оятлари, ҳадийси шарийф ва бошка арабий-исломий истилоҳ ва иқтибослар мазмунидан ўтмишда ўзбек китобхони мутлақо бебаҳра қолган.

"ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ҒОЗИЙ ФАРМОНИ"

"Фатҳ фармони"(тавсия қилинган ўзбекча таржима матни)[28]

Берган ваъдасига вафо Қилгувчи, бандасини ғолиб Этгувчи, лашкарини Кувватлантиргувчи, (қарши бўлган тўдаларни) якка Ўзи тор-мор Қилгувчи, Унингсиз ҳеч нарса бўлмаган; тўғри Йўлдан боргувчи дўстларига ғалаба ато Этиб, Ислом устунларини юқори Кўтаргувчи, санамларнинг таянчларини Парчалаб исёнкор душманларини тор-мор Қилгувчи ва қавм золимларини қириб Ташлагувчи Аллоҳ субҳонаҳу ва таъолога ҳамдлар бўлсин! Ҳамду сано барча оламларнинг Парвардигори бўлмиш Аллоҳ учундир!

Аллоҳнинг салавотлари Ўзи яратганларининг энг аълоси, ғозийлар ва мужоҳидлар саййиди Муҳаммад (с.а.в.)га, унинг аҳли оиласига ҳамда то Қиёмат кунигача тўғри Йўлни кўрсатиб берган саҳобийларига бўлсин!

Аммо, баъд...

Аллоҳ таъолога ҳамду сано айтиш туфайли Унинг неъматлари галма-гал келиб турур ҳамда Тангри таъолога шукр қилиш Анинг неъматларини кетма-кет келиб туришига сабаб бўлур. Ҳар бир неъматга (ҳеч бўлмаса), бирор марта шукр вожиб ҳамда ҳар бир шукр учун яна бирор неъмат ва ҳаловат келгувсидур. Шукр қилгувчиларга ажр-мукофот бериш инсон қўлидан келмас, ҳаттоки энг қодир хисобланганлар ҳам ожизлик қиладурлар.

Алал-хусус, бирон неъмат учун айтилажак шукр ўрнига ҳаёти дунёдаги барча бойлик ҳам Охиратда берилажак буюк ажр-мукофот ўрнини боса олмас.

Шу маънода, кучли кофирлар устидан ғалаба қозониш ва бой фожирлардан устун келишдан бошқа йўл ҳам йўққи, бундайлар тўғрисида ***"Ана ўшалар фисқу фужур қилувчи кофирларнинг ўзидир!"***[29] деган оят инган ва ақл соҳибларининг назарида бу ғалабадан кўра буюкроқ саодат кўринмас.

Миннат қилиш Аллоҳга хосдирким, ул буюк саодат ва улуғ иқтидорлик *"туғилгандан то шу дамгача"*[30] хайрихоҳ бўлган ҳамда яхшиликка мулоҳазакор ҳокимнинг асл матлаби ва ҳақиқий мақсади ҳисобланади; ушбу яхши оқибатли кунларда улуғ Тангрининг лутф-марҳамати билан буюк саодат рўй бериб қолди. Фаттоҳи беминнат[31] ва файёзи беиллат[32] бўлмиш Аллоҳ субҳонаҳу ва таъоло мушкилларни очувчи ва файз сочувчи янги зафар калиди билан файз эшиклари сари ғалаба қозонган Шоҳимизнинг умид чеҳраларини очди. Севинчга тўлган қўшинларимизнинг атоқли номлари иззатли ғозийлар дафтарига ёзилди ва Ислом туғи зафарли лашкарларимизнинг мадади билан кўтарилиш ва юксалиш авжига етди.

Бу саодат ва давлатнинг содир ва зоҳир бўлиши шундай юзага келди: Ислом таянчи бўлган лашкарларимиз қиличларининг шуъласи фатҳ ва зафар нурлари билан ҳинд мамлакатларини мунаввар қилгач, илгариги "Фатҳнома"ларда баён қилинганидек, ёрдамчилар кўмаги билан Дехли, Агра, Жўнпур, Харийд, Биҳар ва бошқа ўлкаларда ҳам ғалаба нишонли байроқларимизни кўтарди. Халқларнинг кўпчилик мусулмон ва кофир тоифалари бизнинг қутлуғ подшоҳлигимизга бўйсуниб, тобеълик йўлига садоқат ва ихлос қадамини қўйиб бораётган эдилар.

Аммо Раана Сангаа кофир ўтган вақтларда қутлуғ подшоҳлигимизга бўйсунганлигини иқрор қилиб келган бўлса ҳам, ҳозирда ***"Кибр ва ор қилиб кофирлардан бўлди"***[33] мазмунига мувофиқ шайтон каби бош тортиб, биздан ажралганларга бош бўлди ва шу билан бир қанча тоифаларнинг бирикишига сабабчи бўлдики, баъзиларининг гарданида зуннор тавқи лаънати ва айримларининг муртадлик тикани этагига гирифтор бўлди. У малъун кофир *(хазалаҳу фий йавмид-дин) – "Қиёмат Куни уни ёрдамсиз ўз ҳолига ташлаб қўйгур!"*[34]нинг истилоси Ҳинд вилоятида шу мартабада эдики, подшоҳлик давлатининг қуёши порлашидан аввал ва шаҳаншоҳлик халифалиги нурининг барқ уришидан илгари, шу билан бирга, катта рожлар ва ройлар бу қирғинда унинг фармонига бўйсунганлари ҳолда бу урушда унинг жиловида бўлган ва муртадлик билан тавсифланган ҳокимлар ва йўлбошчилар ўз улуғликларини назарда тутиб, ҳеч бир қирғинда унга бўйсунмаганлар, балки у билан бирлашмаган ва ҳеч бир сафарда суҳбатдошлик ва рафиқлик йўлини тутмаган эдилар. Бу кенг ўлканинг барча улуғ султонлари, чунончи: Дехли султони, Гужарот султони, Монду султони ва бошқалари ўзга кофирлар билан бирлашмай у бузуқига қаршилик кўрсатишдан ожиз бўлганлари сабабли ширинсўзлик ила мулойимлик йўлини тутиб, у билан муроса қилиб келган эдилар. Кофирлик туғини ислом мамлакатларининг икки юзга яқин шаҳрида ўрнатиб, масжид ва ибодатхоналарни хароб қилди, у жойлардаги мўминларнинг хотин, бола-чақалари ва уларнинг

тарафдорларини асирга олди. Унинг куч-қуввати оддий ҳолатдан ўтиб, шу даражага етиб бордики, Ҳиндда қарор топган қоидага кўра, бир лаклик вилоятни юз отлиқ[35] ва бир курурли вилоятни ўн минг отлиқ ҳисоблайдилар, у кофирлар сардорининг қўлга киритган юртлари ўн курурга етди. Бу жамъи бир лак отлиқ ўрнида бўлади.

Шу кунларда, одатда, ҳеч қачон ҳеч бир жангда бирон бир мусулмон номдор кофирларга ёрдам бермай келган бўлса-да, ислом лашкарларига адовати борлиги сабабли унинг зулмат сари етакланган лашкарлар сафини кенгайтирдилар. Шунга ўхшаш, худди тутундай саркашлик даъвосида бўлган ва турли жойлардаги кофирларнинг бошлиғи ҳисобланган ўнта мустақил ҳоким у ярамас кофирга кишан ва занжир каби ёпишиб олди. *"Ул жаннатий эканлари башорат қилинган Ўн нафар саҳобийларга"*[36] зид ўлароқ, ёмонлик туғини ёйган ўнта кофирга тобеъ бўлганлари ва қўл остидаги қўшинлари ҳамда ғоят кенг вилоятлари бор бўлса-да, ***"Ул кимсаларга албатта аламли азоб "хушхабарини" етказинг!"***[37]

Чунончи, Салоҳиддин ўттиз минг отлиқ ва Мединий Рав ўн икки минг отлиқ, Равал Удай Синг Багарий ўн икки минг отлиқ, Ҳасанхон Меватий ўн икки минг отлиқ, Бармал Идрий тўрт минг отлиқ, Нрипат Ҳара етти минг отлиқ, Сатравий Кейчий олти минг отлиқ, Дҳарам Дэв тўрт минг отлиқ, Бирсинг Дэв тўрт минг отлиққа эга бўлган вилояти бор эди.

Маҳмудхон Искандархон ўғлининг гарчи вилоят ва қишлоғи бўлмаса ҳам, сардорлик умидида тахминан ўн минг отлиқни жамъ қилган эди. Сиҳат-саломатлик ва тинчлик водийсидан узоқлашганларнинг барча жамоаси, Ҳинд қишлоқ ва вилоятида давом этиб келган қоида бўйича, ҳаммаси бўлиб, икки лак-у бир мингга етган эди.

Алқисса, у мағрур ичи қора кофир бағритош кофирларнинг кўнгилларини юзаки бириктиргач, *гўё "Улар устма-уст зулматлар"*[38] *бўлиб,* мусулмонларга қаршилик кўрсатиш ва улар билан урушиш ҳамда *"Пайғамбар алайҳис-салоту вас-салом шарийъати асосини вайрон этиш"*[39] йўлига ўтди. Подшоҳнинг жангчи лашкарлари бошига Худонинг балоси бўлиб, *"бир кўзи кўр Даҗҗол"*[40] каби ёпирилиб, *"келса қазоу қадар – кўз кўр бўлар"*[41] қабилида ҳукмни хулқ ва номус эгаларининг ўткир назарларига манзур қилдилар ва ***"ким жиҳод қилса, фақат ўз фойдаси учун жиҳод қилур,*** *(яъни, ким Аллоҳ Йўлида саъй-ҳаракат қилса, бундан Аллоҳ эмас, балки ўша кишининг ўзи учун манфаъат бўлур)"*[42] оятини мулоҳаза қилиб, ***"кофир ва мунофиқларга қарши курашинг!"***[43] деган бажарилиши лозим бўлган ҳукм вожиб бўлди.

933 *(тўқуз юз ўтуз учинчи)* йил жумодис-соний ойининг шанба, ўн учинчи, куни, *"Аллоҳ субҳонаҳу ва таъоло шанба кунингизни*

муборак қилсин!"[44], Биёна музофотининг Конво мавзеъидаги тоғ атрофида душмандан икки кўрўҳ масофада ғалаба нишонли Ислом лашкарларининг чодирлари тикилди. Ислом саворийларининг ҳашамат ва дабдабалари дин душманлари ва кофир лаъинларнинг қулокларига етиши биланоқ, Каъбани бузишга бел боғлаган ***"Фил эгалари"***[45] каби, Муҳаммад (с.а.в.) умматининг мухолифлари ҳам тоғ жуссали ва дев ҳайбатли филларни ўзларига мададкор ва таянч қилган ҳолда, бир жон бир тан бўлиб, ўзларининг қабиҳ лашкарларини тартибга келтирдилар. Назм:

Залил ҳиндийлар ***"Фил эгалари"***[46] каби, ўз филларига мағрур бўлдилар.

Ҳаммалари ажал тунидай хунук ва шум, тунда қора ва юлдузлардан ҳам кўпроқ эдилар.

Ҳаммалари худди оловдай, лекин тутун каби кеккайиб, кўм-кўк осмонга бош чўзган эдилар.

Отлиқма-яёв бўлиб, худди чумолидай минг-минглаб ўнг ва сўлдан кела бошладилар.

Уруш қасдида енгилмас ўрду томон йўналдилар. Шижоат бўстонининг дарахтларига ўхшаган ғазотчи ислом лашкарлари санавбардай саф тортиб, санавбарсифат пўлат қалпоқларининг қуёшдай порлагувчи учларини, ***"Аллоҳ Йўлида курашган зотлар"***[47] қалблари сингари юксаклик авжига етказдилар. Сафлари "Садди Искандарий" тўғонидек метин ва таркиби Пайғамбар алайҳис-салом шарийъатининг Йўллари каби тўғри ва мустаҳкам эди. Матонат қувватининг мустаҳкамлиги ***"Гўё туташ бинолардек"***[48] бўлиб, ютуқ ва муваффақияти эса, ***"Парвардигорлари тарафидан ҳидоят топганлар ана ўшалардир ва нажот топгувчилар ҳам уларнинг ўзидир"***[49] дейилган калом уларга хос сифат бўлди. *Қитъа:*

Ўшал сафда топилмас қўрқув, ташвишдан одат,
Чун Ҳақ дин хукми-ю шоҳ ра'йидан – салтанат!
Байроқлари доимо фармоннамо ҳилпирар,
Алифдек устунлари дер: ***"Биз ғолибмиз абад!"***[50]

Ҳушёрлик ва иҳтиёткорликни кўзда тутиб, қўшиннинг олд томонига қўйилган туфанг-ўқчилар ва раъдандоз-чақмоқчиларни Рум жангчилари тариқасида панага олиш учун, аравалардан бир саф тартиб бериб, улар бир-бирларига занжир билан боғланди.

Алқисса, ислом лашкарлари шундай интизом билан мустаҳкам химоя барпо қилдиларки, буюк Акл ва юксак Фалак унинг тадбиркори ва тартиб берувчисига таҳсинлар ўқиди.

Бу тартиб ва интизомни, қувват ва истеҳкомни вужудга келтиришда ҳазрат султоннинг яқинларидан бўлмиш хоқоний давлатнинг таянчи Низомиддин Али Халифадоднинг ҳамма саъй-ҳаракат ва тадбирлари таҳсинга сазовор бўлиб, унинг барча раҳбарлик

ва иш юритишлари подшоҳнинг порлоқ ра'йига мақбул бўлди.

Подшоҳнинг қароргоҳи ғулда[51] бўлишига қарор қилинди.

Ғулнинг ўнг томонида: мададга Худонинг лутфига хос бўлган саодатли қутлуғ азиз катта биродар Чин Темур султон; Худо назарига манзур бўлган катта азиз ҳазрати илоҳ Сулаймоншоҳ; ҳидоят топган валий насабли жаноби Хожа Камолиддин Дўст Хованд; олий салтанат таянчи, энг яқин ва хос соҳибларнинг кўрки бўлган Камолиддин Юнус Алий; хослар таянчи, комил ихлосли Жалолиддин Шоҳ Мансур барлос; хослар таянчи, хос соҳибларнинг кўрки бўлган Низомиддин Дарвеш Муҳаммад сорбон; хослар таянчи, содиқ ихлосли Шиҳобиддин Абдуллоҳ китобдор ва Низомиддин Дўст эшикоға ўз ўринларида қарор топдилар.

Ғулнинг чап томонида: салтанат соҳиби, халифа насабли он ҳазратга хос хайрихоҳ бўлган Султон Алоуддин Оламхон бин Султон Баҳлул Лўдий; юқорида айтиб ўтилган ҳазрати Султон яқинларидан бўлмиш садри аъзам халойиқ-паноҳ, Ислом динига хайрихоҳ Шайх Зайни Хавофий; юқорида айтиб ўтилган ҳазрати Султоннинг яқини бўлмиш хослар таянчи, комил ихлосли Камолиддин Муҳибб Алий ўғли; марҳум Қўч Аҳмадбекнинг оғаси бўлмиш хослар таянчи Низомиддин Турдибек; аслзода ва аъёнлар буюк таянчи, улуғ хон Оройишхон; мазкур Қўчбек марҳумнинг ўғли Шерафган; миллатлараро вазирларнинг буюк дастури Хожа Камолиддин Ҳусайн ва Буюк Девон жамоасининг кўзга кўринган аъзолари муқаррар қилинган ўринда ҳозир бўлдилар.

Баронғорда[52] азиз фарзанди аржуманд, саодатёр, буюк Яратгувчининг иноятига манзур бўлган, салтанат ва қудрат буржининг ёруғ юлдузи, қул-у ҳурлар оғзида мадҳ этилган салтанат ва хилофатнинг фахр-ифтихори Муҳаммад Ҳумоюн Баҳодир қарор топди; салтанат жаноби азиз фарзанди аржумандннинг ўнг тарфида он ҳазратга хос хайрихоҳ бўлган Қосим Ҳусайн Султон; хослар таянчи Низомиддин Аҳмад Юсуф ўғлоқчи; комил ихлосли, мамлакат ишончи Жалолиддин Ҳиндубек қавчин; мамлакат ишончи, содиқ ихлосли Жалолиддин Хисрав кўкалтош; мамлакат ишончи Қивомбек Ўрдушоҳ; хослар таянчи, комил ақийда ва ихлос соҳиби Валий Хозин Қароқўзи; хослар таянчи Низомиддин Пирқули Сийстоний; миллатлараро вазирлар таянчи Хожа Камолиддин Паҳлавон Бадахший; хослар таянчи Низомиддин Абдуш-шукр ва аъёнлар таянчи Ироқ элчиси Сулаймон оқо; Сийстон элчиси Ҳусайн оқолар қарор топдилар. Юқорида тилга олинган бадавлат ғолиб фарзанди аржумандннинг чап томонига насаби олийжаноб саййидлар авлодига туташ бўлган Мирҳама; хослар таянчи, комил ихлосли Шамсиддин Муҳаммадий кўкалтош ва Низомиддин Хожаги Асад жондорлар таъйин этилдилар.

Баронғорда ҳинд амирларидан мамлакат таянчи, хонлархони Диловархон, аъёнлар таянчи Маликдод Караний ва аъёнлар таянчи, машойихлар шайхи Шайх Гўран – ҳар бирлари амр этилган жойларда турдилар.

Ислом шиорли қўшиннинг жавонғорида[53] саййидлар авлодининг уруғ бошлиғи, *"Тоҳа" ва "Ёсийн" хонадонининг ифтихори, Аллоҳ юборган Пайғамбарлар Саййиди бўлган Муҳаммад алайҳис-салом зурриётининг намунаси Саййид Маҳдий Хожа*;[54] энг азиз ва буюк ҳазратнинг иноятига манзур бўлган улуғ биродар Муҳаммад Султон мирзо; салтанат соҳиби, халифа насабли он ҳазратга хос хайрихоҳ бўлган Одил Султон Маҳдий Султон ўғли; комил ихлосли, мамлакат ишончи Муиззиддин Абдулазиз мирохўр; мамлакат ишончи Шамсиддин Муҳаммад Алий жанг-жанг; хослар таянчи, комил ихлосли Жалолиддин Қутлуққадам қаровул; хослар таянчи, комил ихлосли Жалолиддин Шоҳ Ҳусайн Боракий мўғул ғончи ва Низомиддин Жонибек Муҳаммадбек аткалар саф тортдилар.

Бу тарафда ҳинд амирларидан мазкур Султон Алоуддин ўғиллари султонлар натижаси Камолхон ва Жалолхон; аъёнлар таянчи Алийхон Шайхзода Фармулий ва аъёнлар таянчи Низомхон Баёналар таъйин бўлган эдилар.

Тўлғама[55] учун хослар ишончи комил ихлосли Турдика ва Бобо Қашқанинг оғаси Малик Қосим барча мўғул тўдалари билан баронғор томонида; хослар таянчи тўғри ихлосли Мўмин атка, хослар таянчи Рустам туркман бошлиқ хос лашкарлардан бир тўдаси билан жавонғор томонда номзод бўлдилар.

Хослар таянчи, комил ихлосли энг кўзга кўринган мутахассис Низомиддин Султон Муҳаммад бахши ислом ғозийлари аъён ва арконларини таъйинланган жойларда сақлаган ҳолда, бизнинг амримизни кутиб турарди.

Тавочи ва ясовуллар теварак-атрофга юборилиб, лашкар ва сипоҳиларни забт қилиш бобидаги ҳукмларимизни буюк султонларга, иззатли амирларга ва ҳурматли ғозийларга етказиб турардилар.

Қўшин учун керакли қурол-яроғ барпо ва муҳайё бўлиб, ҳар киши ўз жойига бориб турганда, сўзсиз бажарилиши зарур бўлган шарафли фармон содир бўлди: "Ҳеч ким буйруқсиз турган ўрнидан қимирламасин ва рухсатсиз урушга киришмасин!"

Мазкур кундан бир пас ўтгандан кейин, икки муқобил томон бир-бирига яқин келиб, жанг бошланиб кетди. Икки томон ғули, гўё нур ва зулмат каби, бир-бирларига қарши туриб, баронғор ва жавонғорда шундай зўр уруш бўлдики, ер юзига зилзила ва юксак осмонга ғулғула тушди. Кофирларнинг бузуқи жавонғори исломнинг муборак лашкари баронғори томон йўналиб, Хисрав кўкалтош ва Бобо Қашқанинг оғаси Малик Қосим устига ҳужум қилдилар. Энг азиз ва улуғ биродар Чин

Темур Султон буйруқ бўйича уларнинг ёрдамига бориб, шундай мардонавор жанг қилдики, кофирларни жойидан силжитиб, деярли, марказдан нарига улоқтириб юборди ва жулду[56] у азиз биродарнинг номига бўлди. Замона нодири Мустафо Румий улуғ Яратгувчининг иноят назарига манзур бўлган, (ёмонликдан) Қайтарувчи ва (яхшиликка) Буюрувчи Аллоҳнинг лутф-карамлари билан ихтисос топган бахтиёр ва энг азиз фарзандимиз Муҳаммад Ҳумоюн Баҳодирнинг ғулидан аробаларни олдига келтириб, туфак ва зарбзан билан кофирлар қўшинининг сафларини вайрон қилибгина қолмасдан, уларнинг қалбларини ҳам чилпарчин қилди. Уруш авжига чиққан пайтида азиз ва улуғ биродар Қосим Ҳусайн Султон, хослар таянчи Низомиддин Аҳмад Юсуф ва Қивомбеклар буйруққа биноан, уларнинг ёрдамига етиб бордилар. Кофирларнинг гуруҳлари бирин-кетин ўз кишилари ёрдамига етиб турарди, биз ҳам мамлакат ишончи Жалолиддин Ҳиндубекни, унинг кетидан хослар таянчи Муҳаммадий кўкалтош ва Хожаги Асад жондорни ва ундан кейин олий салтанат таянчи, энг яқин ва хос соҳибларнинг кўрки бўлган Камолиддин Юнус Алийни, хослар таянчи комил ихлосли Жалолиддин Шоҳ Мансур барлос ва хослар таянчи Шиҳобиддин Абдуллоҳ китобдорни ва улар орқасидан хослар таянчи Дўст эшик оға ва Шамсиддин Муҳаммад Халил ахтабегиларни кўмакка юбордик.

Ва кофирларнинг баронғори ислом лашкарларининг жавонғори томонидан қайта-қайта ҳамлага дучор бўлиб, ўзларини нажоткор ғозийлар қаршисида сездилар ва ҳар сафар қудратли ғозийлардан бирининг зафар найзасига дучор бўлиб, ***"ҳалокат чоҳига – ўзлари кирадиган нақадар ёмон жой – жаҳаннамга қулатар, бир қисмини қайтарар эдилар"***[57]. Хослар таянчи Мўмин атка ва Рустам туркман бадкирдор кофирларнинг зулматшиор қўшинларининг орқасига йўналдилар. Навкарлар бошлиги хослар таянчи тўғри ихлосли Хожа Маҳмуд Али атка ва ҳазрати султоннинг яқини хоконий давлатининг ишончи Низомиддин Алий Халифани мазкурлар кўмагига юбордик. Азиз ва улуғ биродар Муҳаммад Султон мирзо, салтанат эгаси Одил Султон, мамлакат ишончи Муиззиддин Абдулазиз мирохўр, Жалолиддин Қутлуққадам қаровул ва Шамсиддин Муҳаммад Алий жанг-жанг ва хослар таянчи Шоҳ Ҳусайн Боракий мўғул ғончи маҳкам туриб жанг қилдилар. Эл аро буюк вазирлар вазири Хожа Камолиддин Ҳусайнни девон кишилари гуруҳи билан биргаликда уларнинг кўмагига юбордик. Барча жангчилар тўлиқ саъй ва ғайрат билан урушга рағбат кўрсатиб, *"(Эй Муҳаммад (с.а.в.), **айтинг: "Сизлар биз учун фақат икки яхшилик (яъни, ё шаҳид бўлишимиз, ёки ғалаба қилишимиз)дан бирини кутмоқдасизми?"***[58] деган оятни назари эътиборга олдилар ва жон бериш юришини қилиб, жон олиш байроғини баланд кўтардилар.

Қирғинбарот узоққа чўзилаб, охири кўринмас бўлгандан кейин, ижроси мажбурий бўлган тубандаги фармон содир бўлди: "Ароба кетида занжирбанд шер каби турган подшоҳга хос лашкарлардан иборат жанговар йигитлар – якдиллик ўрмонида пусиб ётган арслонлар – ғулнинг ўнг ва сўлидан чиқиб, туфакчиларнинг жойини ўртада қолдириб, икки томондан жанг қилсинлар!" Улар уфқ пардасида кўринган тонг ёғдусидек, ароба кетидан чиқиб ҳужумга киришдилар. Манҳус кофирларнинг шафақ тусли қонлари фалак гумбазига монанд жанг майдонида тўкилиб, кўпчилик саркашларнинг бошлари тан фалагидан юлдуздай маҳв қилиндилар.

Замона нодири устод Алийқули ўз кишилари билан ғулнинг олдида туриб, қаҳрамонлик кўрсатиб, темир қўрғондек кофирлар сафига шундай катта жуссали тошларни отардики, агар у тошни амаллар тарозусининг палласига солсалар, эгаси: ***"Бас, энди у кунда кимнинг тортилган амаллари оғир келса, ана ўша киши рози бўладиган – орзу қиладиган ҳаётда бўлур"***[59] деган ном олади ва агар қаттиқ тоққа ёки баланд тепага отсалар ***"титилган жун каби"***[60] тит-пит қилиб юборарди. Мана шундай тош, туфак ва зарбзан отиш билан кўпчилик кофирлар жисмининг жасадлари қулади.

Подшоҳ ғулининг туфакандозлари, буйруқ бўйича, аробадан майдон ўртасига келиб, ҳар бирлари кофирлардан кўпига ўлим шаробини ичирдилар. Пиёдалар зўр хатарли ўринга кириб ўз номларини ўрмон шерлари ва мардлик майдонининг ботирлари ўртасида машҳур қилдилар.

Бу аҳвол муносабати билан ҳазрати Хоқон тарафидан, ғулнинг аробаларини илгари суришга фармон бўлди. Шахсан, подшоҳнинг ўзи, ўнг томондан фатҳу давлат ва сўл томондан иқболу нусрат бўлгани ҳолда, кофирлар қўшини томон кўзғалди. Теварак-атрофдан зафар нишонли қўшин бу ҳолни мушоҳада қилиб, зўр қўшин денгизида даҳшатли тўлқин кўтарилди ва бу денгизнинг барча наҳанг балиқлари шужоатини юзага чиқарди. Ғубор зулмати бутун майдонни қора булут каби қоплаб, қиличларнинг ялтираши чақмоқ ярақлашидан ҳам ўтиб кетди. Чанг-тўзоннинг кўтарилиши қуёш юзини кўзгунинг орқа томонидай нурсиз қилиб қўйди, калтакловчи билан калтак егувчи, ғолиб билан мағлуб аралашиб кетиб, уларни бир-биридан ажратиш мушкил бўлди. Замона сеҳргари шундай бир кечани кўз олдимизга келтирдики, унда Тийрдан ўзга сайёра, йўлида маҳкам турган отлиқлардан ташқари турғун юлдузлар кўринмас эди.

(Назм:) Уруш куни қоннинг нами (ер остидаги) балиққа, чанг-ғубор эса (осмондаги) ойга етди.[61]

Бу кенг даштда отларнинг туёқлари зарбидан Ер олтита, осмон саккизта бўлиб қолди.[62]

Мужоҳид ғозийлар, жон олиб, жон бериб турган айни пайтда ғайб жарчисидан: *"Сустлашмангиз ва ғамгин бўлмангиз! Сизлар устун бўлгувчидирсизлар"*[63] деган хушхабар эшитилар, аниқ хабарлар Етказувчидан: *"Аллоҳ томонидан бўлган ғалаба – фатҳ яқиндир. Мўъминларга (мана шу) хушхабарни етказинг!"*[64] деган муждани эшитгач, улар шундай шавқ билан жанг қилишдики, *"энг юксак мавжудотлар, (яъни) фаришталар"*дан[65] таҳсин нидоси келарди. *"Аллоҳга яқин қилинган фаришталар"*[66] парвона каби уларнинг бошларида айланардилар. Икки намоз орасида уруш олови шундай гурулладики, у машъалалар фалак осмонида байроқ бўлиб ҳилпирар эди. Ислом лашкарларининг баронғор ва жавонғорлари кофирларнинг баронғор ва жавонғорларини ғул билан бирликда бир жойга тўплади.

Шуҳратли жангчиларимиз ғалабаси та'сири остида Ислом байроғининг юқори кўтарилиши зоҳир бўла борган сари, у малъун кофирлар ва ярамас бединлар бир муддат ўз аҳволларига ҳайрон бўлиб туриб қолдилар. Ва ниҳоят, жонларидан кўнгил узиб, ғулнинг ўнг ва сўлида ҳужумга ташланиб, сўл томондан шиддатли ҳужум қилиб, ўзларини якин етказдилар. Аммо шижаотли ғозийлар савобга эга бўлиш умидида, ўқ ниҳолни уларнинг кўкрак заминига ўтқазиб, барча бахтиқароларни ортга чекинтирдилар. Натижада, нусрат ва омад шаббодалари қутлуғ қадам давлатимиз чамани томон ўтди ва *"Дарҳақиқат, Биз Сизга очиқ-равшан фатҳ – ғалаба ато этдик"*[67] хушхабарини етказди. Фатҳ гўзалининг оламга оро берувчи жамоли *"Аллоҳ сизларга қудратли ёрдам берáди"*[68] кокили билан безалиб, парда остида яшириниб турган омад саодати ёрдамга келиб, ушбу ҳолнинг гувоҳи бўлди.

Бекорга овора бўлган хиндийлар ўзларини аянчли ҳолда кўргач, *"титилган жун каби"*[69] ҳар томон сочилиб, *"тўзғитиб юборилган парвоналар каби"*[70] нобуд бўлдилар. Кўплари ўлганича, жанг майдонида қолдилар, бир қанчалари осуда ҳаётдан маҳрум бўлиб, чўлу биёбонларда саргардон бўлдилар ва оқибатда, қарға-кузғунларга ем бўлдилар. Мурдалардан дўнгликлар ва каллалардан миноралар пайдо бўлди. Ҳасанхон Меватий туфак зарби билан ўлганлар қаторига тизилди. Шунингдек, миллат сардори бўлиб келган, йўлдан озган саркашларнинг кўпига ўқу туфак тегиб ҳаётдан кўз юмдилар.

Шу жумладан, ўн икки минг отлиққа эга бўлган Удайпур вилоятининг ҳокими Равал Удай Синг Багарий; тўрт минг отлиққа эга бўлган Раай Чандарбан Чавҳан; олти минг отлиққа эга бўлган Чандерий ўлкасининг ҳокими Бупат Рав мазкур Салоҳиддин ўғли; тўрт минг отлиққа эга бўлган Маникчанд Чавҳан ва Дилпат Рав; ўттиз минг отлиққа эга бўлган Гангу ва Карамсинг ва Дангурсий ва яна ҳар бири йирик гуруҳ бошлиғи ва шавкату дабдаба соҳиби бўлган бошқалари тамуққа[71] равона бўлиб бу даҳшат олами(дан)

(жаҳаннамнинг) ***"энг тубан жойига"***[72] кетдилар. Кофирлар диёри майиб-мажруҳ ва маййитлар билан жаҳаннам каби тўлиб, жаҳаннамнинг ***"энг тубан жойида"***[73] дўзах посбонига жон топширган мунофиқлар билан лиммо-лим бўлди.

Ислом лашкарларидан ҳар ким бирор томонга борса, ҳар қадамда бир саркашнинг мурдасига дуч келар эди. Агар Ўрду тор-мор бўлганлар кетидан қувса, ҳар қадамда янчилган бир басавлат жасадга дуч келар эди:

Ҳама ҳиндийлар мақтул ўлди хор-зор
Туфак тоши-ла ***"Фил эгалари"***дай[74].
Жасадлардан тоғлар бўлди пайдо – аён,
Ҳар бир тоғда у чашмадан оқарди қон.
Тантанавор саф ўқининг даҳшатидан
Йўқоларди дуч келган дашту тоғ томон.

"Аллоҳнинг амри иродаси тақдири азалий бўлиб, (ҳиндийлар) орқаларига бурилиб қочдилар"[75]. ***"Аллоҳнинг амри иродаси тақдири азалий бўлди"***[76]. Ҳамду саномиз ***"Эшитгувчи, Билгувчи"***[77] Аллоҳ учундир. ***"Зеро, ғалаба фақат Қудрат ва Ҳикмат Эгаси бўлган Аллоҳ ҳузуридан келур"***[78].

933 (ҳижрий) йил, жумодил-охир ойининг йигирма бешинчи кунида битилди.[79]

* * *

Филология фанлари доктори Саидбек ҲАСАНОВ,
Шокирхон ШОДМОНХЎЖА ўғли РУСТАМХЎЖАЕВ
Интернет манзилимиз: shakirxojamakkiy@mail.ru

ИЗОҲЛАР

[1] Бегматов, А. Навоий ва Ислом дини, "Мулокот", 1992/2

[2] Карроматов Ҳамидулла, Қуръон ва ўзбек адабиёти, Тошкент, "Фан" нашриёти, 1993, 85-с.

[3] Нихоят, "Бисмиллахир Рахмонир Рахийм", деб ёзилди: Захириддин Мухаммад Бобур, Бобурнома (Тахрир хайъяти: Абдутафур Абдурашидов, Бобур Алимов ва бошк.) Порсо Шамсиев, Содиқ Мирзаев ва Эйжи Мано (Япония) нашрлари асосида қайта нашрга тайёрловчи: Сандбек Ҳасанов, Масъул муҳаррир Ваҳоб Рахмонов, "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош тахририяти, Тошкент, 2002, 336-с., 8-9-с.; Кейинги ўринларда:"Шарқ";

[4] Бахромбек Абдужалил ўғли, Мирзо Бобурнинг динга бўлган муносабати, "Андижоннома", 1993 й., 6 авг.

[5] Захириддин Мухаммад Бобур, Бобурнома: (Ўрта ёшдаги мактаб болалари учун), нашрга тайёрловчи: Порсо Шамсиев; Мухаррир А.Ўктам), Тошкент, "Юлдузча", 1989, 368 с.; Кейинги ўринларда: "Юлдузча"; 287, 290-с.; Бобир, З.М. Бобирнома. Нашрга тайёрловчилар: Порсо Шамсиев, Содиқ Мирзаев. В.Зоҳидовнинг сўзбошиси ва тахрири билан. Тошкент, Ўзбекистон Фанлар академияси нашриёти, 1960, 512 с. ; Кейинги ўринларда: "Фан"; 383, 387-с.; "Шарқ": *(312 б, 316 а);*

[6] Ўзбек адабиёти тарихи, Тошкент, 1978, 244-245-с.

[7] Таржима жараёнида яқиндан ёрдам берган устод Аҳмадхон Фўлод жанобларига самимий ташаккур изҳор этамиз.

[8] Ал-Қур'онул-карийм: (12:53) Юсуф сураси 53-ояти кариймадан.

[9] Ал-Қур'онул-карийм: (57:21) Ҳадийд сураси, 21-ояти кариймадан.

[10] Ал-Қур'онул-карийм: (66:8) Тахрийм сураси, 8-оятн кариймадан.

[11] "Ал-умуру марҳунатун биавқотиҳо" ["Юлдузча": 288-с.; "Шарқ": *(313 а)*]; Арабча ёзилиши: اَلأُمُورُ مَرْهُونَةٌ بِأَوْقَاتِهَا Транскрипцияси: *('ал-'умуру марҳунатун би-'авқотиҳо).* Китобдаги таржима: *"ҳар иш ўз вақтига боғлиқ".* ("Юлдузча": 359-с.; "Шарқ": *"ҳар иш вақтига боғлиқ",* 269-с.) Бу жумла арабий қомус, муъжам, араб мақол ва ҳикматли сўзлари орасида топилмади. Лекин, *"Маккатул-мукаррама халқ маталлари"* китобчасида шунга яқин маънодаги матал учраб қолди: [الأمثال العامية في مكة المكرمة, حسين عبد الله محضر, 1395, 23 ص.] *(Маталлар халқ шевасида ёзилган)*]; لِكُلِّ شَيْءٍ مَلِيحٌ فِي وَقْتِهِ -87 *(Куллу шей'.мелийҳ фий вақтих)* ва у қуйидаги ҳолларда ишлатилади: *Ҳар бир иш ёки нарса, ёки мавзуънинг ўзига хос, муносиб вақти бўлади. Масалан, бир киши юқори синфда таълим олаётган ўғлини уйлантириб қўйса, бир томондан яхши иш қилган бўлса ҳам у боланинг хотин олишга муносиб вақт эмаслиги равшандир,* - деб, ўша жойда изоҳ берилган. Арабча лугатларда: *1) "Ан-наъийм":* مَرْهُونٌ мақоласига اَلأُمُورُ مَرْهُونَةٌ بِأَوْقَاتِهَا *"Ҳар нарсанинг ўз вақти бор"* деб, таржимаси берилган. "Ан-Наъийм": 328-с. *2) "Арабско-русский словарь":* اَلأُمُورُ مَرْهُونَةٌ بِأَوْقَاتِهَا *погов.* Всякому овощу своё время (*букв.* дела связаны со временем). (Баранов Х.К., Арабско-русский словарь, около 84000 слов, Ташкент, "Камалак", 1994, стр. 302.) Тавсия қилинган таржима: "Ҳар бир ишнинг ўз вақти бор".

[12] Ал-Қур'онул-карийм: (57:16) Ҳадийд сураси, 16-оятн карийма.

[13] "Ман қараа бобан валачча вача". "Юлдузча": 288-с.; "Шарқ": "ман қараа бобан валажжа валажа" *(313 а, б).* Ёзилишида бир мунча хато бор: "валачча" сўзи وَلَجَّ *(ва лажжа)* тарзида ажратилиб ёзилади, "вача" эмас وَلَجَ *(валажа).* Хайрият, бу каби хатолар *"Шарқ"* нашрида барҳам топган. Китобдаги таржима: – *"Кимки астойдил эшик қоқса, киради".* "Юлдузча": 359-с.; "Шарқ": 269-с. Арабчя ёзилиши: مَنْ قَرَعَ بَابًا وَلَجَّ وَلَجَ Транскрипцияси: *(ман қараъа бобан ва лажжа валажа);* Маъмуни: *"Кимки, астойдил сабот билан эшик қоқса, у албатта киради",* (яъни, *бир ишнинг қийин эканига қарамасдан сабр ва тиришқоқлик билан ҳаракат қилган киши албатта, мақсадига етади).* Арабларнинг машҳур المنجد في اللغة *"Ал-мунжиду фил-луга"* комусида: مَنْ قَرَعَ بَابًا وَلَجَّ وَلَجَ أَيْ مَنْ دَقَّ بَابًا وَلَجَّ دَخَلَ *(ман қараъа бобан ва лажжа валажа; ай ман даққа бобан ва лажжа дахала)* дейилган. المنجد في اللغة, الطبعة السادسة و الثلاثون, طبعة منقّحة و مزيد عليها, منشورات دار المشرق, بيروت, 1997, ص 621. Таржимаси: *"Кимки астойдил сабот билан эшик қоқса, у албатта киради".* Тавсия қилинган таржима: "Кимки астойдил эшик қоқса, албатта киради" ёки "Интилганга толеъ ёр"..

[14] Фармоннинг давомидаги: *"... ин чиҳод ва чиҳоди акбар, ки мухолафати нафсаст, амр фармуд"* жумласига эътибор қаратайлик. Бу жумла китобларда бундай таржима қилинган: *"... бу урушни нафсга қаршилик кўрсатишдан иборат бўлган зўр уруш билан бошлашни*

буюрди". Мазкур жумланинг мазмуни қуйидагича бўлиши керак эди: *"...энг буюк жиҳод ҳисобланган кафсни тийиш йўлида ушбу жиҳод билан боғлашга буюрди"*. Зеро, *жиҳод* – الجهد – жуда кенг қамровдаги маънога эгадир: *а) Аллоҳ субҳонаҳу ва таъоло йўлидаги муқаддас уруш; б) Аллоҳ субҳонаҳу ва таъоло Зотини улуғлаш мақсадида қилинган ҳар қандай саъй-ҳаракат бўлиб, унинг бир неча шакли мавжуд, чунончи: 1) Ота-оналар ҳақида жиҳод, яъни ота-онани рози қилиш учун жон-жаҳди билан ҳаракат қилиш; 2) Аёлнинг ўз эрига итоъат қилиши; 3) Мусулмонлар хавфсизлигига ва ислом динининг ёйилишига қарши курашаётган мушриклар билан – ҳарбий усулда жиҳод қилиш; 4) Ўзини мусулмон қилиб кўрсатувчи мунофиқларга қарши жиҳод эса, улар билан баҳс-мунозара қилиш ва ҳақиқий илмни билдириш йўли орқали жиҳод қилиш; 5) Жиҳоднинг шайтонга, ўз нафсига қарши жиҳод каби турлари буюк жиҳодлардан саналади.* [Смысловой перевод Священного Корана на русский язык, Первое издание, перевод с арабского Кулиева Эльмира, Комплекс имени Короля Фахда по изданию Священного Корана, Медина, Саудовская Аравия, 1425 г.х.// 2005 г., стр.1054 (-дан таржима)]. Шунинг учун ҳам, жиҳод сўзини фақат урушдан иборат деб билмаслик керак, зеро кишининг ўз нафсига қарши кураши энг буюк жиҳодлардан биридир. Мавлоно Жалолиддин Румий машҳур қози бўла туриб кабоб егиси келганида, қассобхонага бориб у ердаги мол-қўйнинг ичак-чавоқ ва ахлатларига қараб: *"Эй нафс, сен мана шуларга лойиқсан!"* - дея, ўз нафсини тияр эди. (Радий Фиш, Жалолиддин Румий, ...)

[15] Ал-Кур'онул-карийм: (7:23) Аъроф сураси, 23-ояти карийматан.

[16] Ал-Кур'онул-карийм: (7:143) Аъроф сураси, 143-ояти карийматан.

[17] Яъни, ўтмишда шариъат ҳукмларини оёқости бўлишига сабаб бўлиб келган тилла ва кумуш қадаҳлар, эндиликда мискин-бечоралар оёқларининг остига ташланиб, хўрланди.

[18] مجمع الأمثال العربية, تأليف خير الدين شمسي باشا, مركز الملك فيصل للبحوث و الدراسات , الجزء 3, ص2533 الإسلامية الرياض, الطبعة الأولى 1424=2002

[19] Имом ат-Тирмизий, 2594- ҳадиси шариф.

[20] Мамолика махруса *(ҳарасаҳаллоҳу анил-офот вал-мухофот).* "Юлдузча": 288-с.; "Шарқ": *(313 б, 314 а)* Бу арабча матн дуойи хайрдир. Арабча ёзилиши: مَمْلَكَةٌ مَحْرُوسَةٌ (حَرَسَهَا اللهُ عَنِ الآفَاتِ وَ المَخَافَاتِ) Транскрипцияси: *[мамолику маҳрувсатун (ҳарасаҳал-лоҳу ъаъил-офоти вал-махофоти)]* Форсча изофада: *"мамолэкэ маҳруса."* Китобдаги таржима: *тинч сақланган мамлакатда (худо офат ва хавфлардан омон қилсин).* "Фан": 468-с.; "Юлдузча": 360-с.; *тинч сақланган мамлакатда (Худо офат ва хавфлардан омон қилсин).* "Шарқ": 269-с.; Тавсия қилинган таржима: Матн мазмунига мувофиқ – "Аллоҳ таъолонинг паноҳида сақланажак мамлакатимизда (Аллоҳ таъоло ҳар хил офат ва хавф-хатарлардан Ўзи омон сақласин)" шаклида берилса, мос келур эди.

[21] Анас (р.а.) ривоят қилади: "Аллоҳ субҳонаҳу ва таъоло хамр (яъни, маст қилувчи ҳар қандай нарса)нн, уни истеъмол қилганни, қуйиб берганни, сотганни ва сотиб олганни, уни тайёрлаганни ва тайёрлатганни, олиб келганни ва олиб келтирганни ҳамда ундан келган даромадни еганни лаънатлайди."

[22] Ичкилик ҳақида нозил бўлган охирги қатъий манъ этувчи ушбу Мо'ида сураси (5:90)-ояти карийма. Уламоларнинг фикрича, маст қилувчи ичимлик ҳақида Ал-Кур'онул-карийманинг 4 *(тўрт)* жойида ояти карийматар нозил бўлгани маълум. Бу оятлар турли вақтларда ва турли маъноларда, маълум сабабларга кўра Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)га ваҳй тарзида хабар берилган. Дастлабки уч ояти карийматар: Нахл сураси (16:67), Бақара сураси (2:219) ва Нисо' сураси (4:43)да маст қилувчи ичимликнинг салбий таъсири ҳақида инсонларга панд-насиҳат тарзида ўгит қилинган. Нозил бўлган оятлар ўртасида қанча вақт тафовут борлиги ҳақида аниқ маълумотга эга эмасмиз. Усмон (р.а.) мусҳафида сураларнинг нозил бўлиш тартибига биноан Нахл сураси № 70-ичи тартибда; Бақара сураси – № 87; Нисо' сураси – № 92 ва Мо'ида сураси – № 112-ичи тартибда нозил бўлган. *(Қуръони карийм маъноларининг таржима ва тафсири /Таржима ва тафсир муаллифи: Абдулазиз Мансур; таҳрир ҳайъати: Абдурашид қори Баҳромов, Раҳматуллоҳ қори Обидов, Н.Иброҳимов ва бошқ.; Масъул муҳаррир: З. Хусниддинов, - Т.: "Тошкент ислом университети", 2004, 607-с.)дан.*

[23] Ал-Кур'онул-карийм: (66:8) Таҳрийм сураси, 8-ояти карийматан.

[24] Ва шукран ало ҳозиҳил-футуҳ ва тасаддуқан ликабули тилкат-тавбатин-насуҳ. "Фан": 384-с.; "Юлдузча": 288-с.; "Шарқ": тилкаттавбатан-насуҳ *(314 а).* Арабча ёзилиши: وَ شُكْرًا عَلَى هَذِهِ الْفُتُوحِ وَ تَصَدُّقًا لِقَبُولِ تِلْكَ التَّوْبَةِ النَّصُوحِ Транскрипцияси: *(ва шукран ъало ҳозиҳил-футуҳи ва тасаддуқан ли-қабули тилкат-тавбатин-насуҳи).* Китобдаги таржима: *"Бу ғалабанинг шукронаси ва бу чин тавбанинг қабул даражасига эришмоқнинг садақаси учун,"* "Фан": 468-с.; "Юлдузча": 360-с.; "Шарқ": 269-с.;Таржимада бир оз хатога йўл қўйилган:

الفُتوح *(ал-футувҳу)* – кўплик сонда турибди, яъни, *фатҳ* ёки *ғалаба* эмас, *фатҳлар, ғалабалар,* ўша йил воқеаларидан маълум бўлишига қарағанда, шоҳ Бобур Мирзо бирин-кетин фатҳларга эришади. Иккинчидан, *"ва бу чин тавбанинг қабул даражасига эришмогининг садақаси учун"* эмас, балки *"ва "холис тавба" қабулининг хайр-садақаси учун"* деб айтилса тўғрироқ бўлур эди. Тавсия қилинган таржима: "Ушбу фатҳларнинг шукронаси ва "холис тавба" (Ал-Кур'онул-карийм: (66:8) Тахрийм сураси, 8-оятн кариймадан) қабулининг хайр-садақаси учун".

[25] Ал-Кур'онул-карийм: (2:181) Бақара сураси, 181-ояти кариймадан.

[26] Китобдаги ёзув: Кутиба биамрил-олий ъалаллоҳул-мутаолий ва халлада накозаху; фи 24 шахри чумодил-аввал, сана 932" ("Фан": 384-с.; "Юлдузча": 289-с.); Кутиба биамрил-олий ъалаллоҳул-мутаолий ва халлада нафозаху; фи 24 шахри чумодиул аввал, сана 933". ("Шарқ": *(314 а, б).*) "Тавба фармони" охиридаги мазкур жумлада "халлада накозаху" ва "халлада нафозаху" иборасининг ёзилишида икки хилликни кўраяпмиз. Хўш, уларнинг фарқи нимадан иборат? 1) "халлада накозаху" خلدَ نقذهُ – *доимо уни қутқариб турди;* 2) "халлада нафозаху" خلدَ نفذهُ – *(мазмун чиқмайди).* Арабча ёзилиши: كُتبَ بأمْرِ العَالي أعلى اللهُ المُتعالي وَ خلدَ نقذهُ في 24 شَهرِ جُمادَى الأولى سَنَةَ 932 Транскрипцияси: *(Кутиба би-'амрил-ъолий ъалал-лоҳул-мутаъолий ва халлада накозаху фий 24 шаҳри жумодал-увло, санати 932);* Мазмуни: *"Аллоҳ доимо қутқариб турғур Подшоҳ Ҳазратининг Олий фармонлари билан тарих 932 сана жумодал-аввал ойининг 24 куни битилди".* Китобдаги таржима: *Амри олий билан 932 (ҳижрий) йили 24 жумодил-аввалда ёзилди.* ("Фан": 468-с.; "Юлдузча": 360-с.); *Амри олий билан 932 (ҳижрий) йили жумодиул-аввал ойининг 24-нчи кунида ёзилди.* ("Шарқ": 270-с.); Энди мазкур жумла тарихи таржимасида *"жумодил-аввал"* ва *"жумодиул-аввал"* иборасининг ҳам ёзилишидаги икки хиллик ҳақида: Бу иборалар арабчада جُمادَى الاولى *(жумодал-'увло)* тарзида ёзилади. Ўтмишда аждодларимиз ана шу ҳижрий-қамарий ой номларидан фойдаланиб келишган бўлиб, улар *(жумодил-аввал)* тарзида талаффуз этар эдилар. *"Бобурнома"*даги *"жумодиул-аввал"* шаклида ёзилиши хато, чунки у на арабча ва на аждодлар талаффузига мос эмас. Тавсия қилинган таржима: *"Аллоҳ доимо қутқариб турғур Подшоҳ ҳазратнинг Олий фармонларига мувофиқ тарих 932 сана, жумодил-аввал ойининг 24 куни ёзилди".*

[27] "Фан": 387-с.; "Юлдузча": 291-с.; "Шарқ": *(316 а).*

[28] Таржима жараёнида яқиндан ёрдам берган устод Аҳмадхон Фўлод жаноблариға самимий ташаккур изҳор этамиз.

[29] Ал-Кур'онул-карийм: (80:42) Абаса сураси, 42-ояти карийма..

[30] Муаллиф бу ерда Расулуллоҳ *(соллаллоҳу алайҳи ва саллам)*дан ворид бўлган: اطْلب العلم من المهد الى اللحد *(Ўтлубул-ъилма минал-маҳди 'илал-лаҳди) – "Илмни бешикдан то қабргача изланг!"* ҳадиси шарифдан фойдаланиб, бир оз ўзгартирган ҳолда *"минал-маҳди 'ило ҳозал-'аҳд" – "туғилгандан то шу дамгача"* шаклида ифода этган. *"Минал-маҳди"* иборасн гарчи, сўзма-сўз *"бешикдан"* деган маънога эга бўлса-да, *"туғилгандан"* тарзида тўғри ўгирилганини таъкидлаш керак. Тавсия қилинган таржима: "туғилгандан то шу дамгача".

[31] Фаттоҳи беминнат – яъни, ким ҳақ, ким ноҳақ эканини билгувчи Аллоҳ таъоло.

[32] Файёзи беналлат – яъни, бенуқсон саховатли Зот.

[33] Ал-Кур'онул-карийм: (2:34) Бақара сураси, 34-ояти карийма.

[34] Бу арабий жумладаги асосий маъно берувчи феъл: خذلَ / يَخذلُ *(хазала/йахзулу) – "ёрдамсиз ўз ҳолига ташлаб қўймоқ"*ни англатади. Бу феълнинг ҳозирги-келаси замон (يَخذلُ) ва нем (خذُولاً) шакллари Қуръони шарифнинг қуйидаги икки оятн кариймасида келади – Оли-Имрон сураси 160- ояти кариймадан: وَإِن يَخْذُلْكُمْ فَمَن ذَا الَّذِي يَنصُرُكُم مِّن بَعْدِهِ وَعَلَى اللَّهِ فَلْيَتَوَكَّلِ الْمُؤْمِنُونَ *– "Ва агар У Зот сизларни ёрдамсиз қўйса, Ундан сўнг ҳеч бир зот сизларга ёрдамчи бўлмас."* ва Фурқон сураси 29-ояти кариймадан: وَكَانَ الشَّيْطَانُ لِلْإِنسَانِ خَذُولاً *– "(У Кунда) шайтон (ҳаёти дунёда ўзига эргашган барча) инсонни ёрдамсиз қўйгувчидир."* Демак, мазкур оятн карийма мазмунидан маълум бўладики, Аллоҳ субҳонаҳу ва таъоло бу дунёда ва Охиратда Ўзи хохлаган бандасини ўз ҳолига ёрдамсиз ташлаб қўйиши мумкин экан. Бироқ, бу ҳаёти дунёда шайтонга эргашган инсонни Охират кунида шайтон ёрдамсиз қўяр экан. Шуни айтиш керакки, араб мақоллари орасида ҳам бундай маънода мақол, матал топилмади. Бу дуойи бадга ўхшайди. Тавсия қилинган таржима: *"Қиёмат куни уни ёрдамсиз ўз ҳолига ташлаб қўйгур!"*

[35] Форсча سوار *(савор)* "минган"ни билдиради. От, туя ёки фил минган жангчилар умуман "савор" деб аталган. Уларни умумий ҳолда, "отлиқ" деб таржима қилдик. Китобларда "сувор" тарзида хато ёзилган.

[36] العشرة المبشرون بالجنة , تأليف الشيخ محمد أحمد عيسىٰ , دار الغد الجديد , المنصورة – مصر , الطبعة الأولى

. ص 200 , 2005م 1426ه Китобларда "ашараи мубашшара"га хеч бир изоҳ берилмаган. Арабча: العَشَرَةُ المُبَشَّرُون بِالجَنَّة *(ал-ъашаратул-мубашшарувна бил-жаннати)*дан: "он ашараи кафара ки, бар нақизи ашараи мубашшара, ливойи шақоват фазои "фабашширҳум би азобин алим" меафроштанд, тавобиъ ва асокири бисёр ва парганоти васпул-актор доштанд", деб берилган. Аслида бундай бўлиши керак: *"он ашараи кафара-ки, бар нақизи "'ал-ъашаратул-мубашшарувна", ливойи шақоват фазои "фа-башширҳум би-ъазобин 'алийм" меафроштанд, тавобиъ ва асокири бисёр ва парганоти васийъул-автор доштанд".* Китобдаги таржима: У ўнта башоратланганлар қаршисига чиқиб, ёмонлик тугини ёйган ўнга кофирнинг карамлари ва қўшинлари ҳамда ғоят кенг вилоятлари бор эди. Китобда "Фабашширҳум би-азобин алийм" ояти кариймаси таржима қилинмасдан мутлақо қолиб кетган. У ояти карийма ҳақида юқорида кўриб ўтилган эди. Аммо, "у Ўнта башоратланганлар"га келсак, улар кимлар эканига изоҳ берилмаган. Мазкур жумлада бир ояти карийма: "фабашширҳум би-азобин алийм" + *(Ул кимсаларга албатта аламли азоб "хушхабарини" етказинг)* ҳамда + ҳадиси шариф: "Ал-ъашаратул-мубашшарувна" *(жаннатий эканлари башорат қилинган Ўн нафар саҳобийлар)* каби калималар воситаси билан *(оят + ҳадис + форсий жумла)* шийру шакар усулида ажойиб тарзда ифодаланганига шоҳид бўламиз. Аммо, *"У Ўнта башоратланганлар"*дан мурод – Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам томонларидан жаннатий эканлари башорат қилинган қуйидаги Ўн нафар саҳобийлар: *1. Абу Бакр ас-Сиддийқ (р.а.); 2. Умар бин ал-Хаттоб (р.а.); 3. Усмон бин Аффон (р.а.); 4. Али бин Абу Толиб (р.а.); 5. Абу Убайда бин ал-Жарроҳ, (р.а.); 6. Талҳа бин Убайдуллоҳ (р.а.); 7. Аз-Зубайр бин ал-Аввом (р.а.); 8. Абдур-Раҳмон бин Авф (р.а.); 9. Саъд бин Абу Ваққос (р.а.); 10. Саъийд бин Зайд (р.а.)*лар эдилар.

Назмда: للمصطفى خير صحب نص أنهم في جنة الخلد نصا زادهم شرفا

هم طلحة و ابن عوف و الزبير مع أبي عبيدة والسعدان والخلفاء

Яъни, Мустафонинг яқин саҳобийлари-ла, Жаннати абадий жойлари – шарафо! Алар: Талҳа, Ибн Авф ва аз-Зубайр ила, Абу Убайда ҳам икки Саъду Хулафо. Бу ерда икки Саъддан мурод – *Саъд бин Абу Ваққос (р.а.) ва Саъийд бин Зайд (р.а.)*лар; Ал-Хулафо эса – *Абу Бакр, Умар, Усмон ва Али (разияллоҳу анҳум ажмаъийн)* кўзда тутилгандирлар. Муаллиф бу ерда жаннатий эканлари башорат қилинган Ўн нафар саҳобийларга қарама-қарши ўлароқ, *"ёмонлик тугини ёйган ўнта кофирга тобеъ бўлганлар ва қўл остидаги қўшинлари ҳамда ғоят кенг вилоятлари бор эди"*, – деб қиёсламоқда. Зеро, у *"ал-ъашаратул-мубашшарувп"* Аллоҳ субҳонаҳу ва таъолонинг изни билан жаннатга киражаклари, *"...аммо бу ўнта кофирга тобеъ бўлганлар ва қўл остидаги қўшинлари ҳамда ғоят кенг вилоятлари бор"* бўлса ҳам дўзахга равона бўлишлари қиёсланган. Тавсия қилинган таржима: *Ул жаннатий эканлари башорат қилинган Ўн нафар саҳобийларга зид ўлароқ, ёмонлик тугини ёйган ўнта кофирга тобеъ бўлганлар ва қўл остидаги қўшинлари ҳамда ғоят кенг вилоятлари бор бўлса-да, "у кимсаларга албатта аламли азоб "хушхабарини" етказинг!"*

[37] Ал-Кур'онул-карийм: (3:21) Оли Имрон сураси, 21-ояти кариймадан.

[38] Ал-Кур'онул-карийм: (24:40) Нур сураси, 40-ояти кариймадан.

[39] Арабча ёзилиши: وَ مَقَام مُخَالَفَة وَ مُحَارَبَة أَهْل الإِسْلام وَ هَدْم أَسَاس شَرِيعَة سَيِّد الأَنَام عَلَيْه الصَّلاةُ وَ السَّلامُ *(ва мақоми мухолафати ва муҳорабати 'аҳлил-'исломи ва ҳадми 'асоси шариати саййидил-'аноми ъалайҳис-салоту вас-салом) – Ислом аҳлига қаршилик кўрсатиш ва улар билан жанг қилиш ҳамда Пайғамбар алайҳис-салоту вас-салом шариати асосини вайрон этиш ҳолати.* Китобдаги таржима: мусулмонларга қаршилик кўрсатиш ва улар билан уришиш ҳамда пайғамбар алайҳис-салом шарнатининг асосларини емириш ҳолатига ўтди. Тавсия қилинган таржима: *Ислом аҳлига қаршилик кўрсатиш ва улар билан урушиш ҳамда Пайғамбар алайҳис-салоту вас-салом Шариати асосини бузишга ўтди.*

[40] 4. Китобдаги ёзув: "он даччоли аъвар" ["Фан": 389-с.; "Юлдузча": 292-с.; "Шарқ": он дажжол аъвар. *(318 а)*]; Китобдаги таржима: у кўзсиз дажжоллар. ["Фан": 471-с.; "Юлдузча": 362-с.; "Шарқ": 271-с.]; Бу ерда الأَعْوَر *(ал-'аъвару)* – *"кўзсиз"* деб, нотўғри таржима қилинган, балки у: *гилай* ёки *бир кўзли* деган. ["Ан-Наъийм": 573-с.]; Арабча тўлиқ ва тўғри ёзилиши: الدَّجَّال الأَعْوَر *('ад-дажжолул-'аъвару)* – бир кўзи кўр Дажжол = бир кўзли Дажжол = гилай Дажжол. Дажжолнинг бир кўзи кўр экани ҳақида қуйидаги ҳадиси шарифлардан билиб оламиз: *Ибн Умар ривоят қиладилар:* "Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Дажжолнинг ўнг кўзи кўр бўлиб, гўёким узум донасидек бўртиб чиққандур", – дедилар". *Яна Ибн Умар ривоят қиладилар:* "Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: "Бир куни ухлаб ётган эрдим, туш кўрдим. Тушимда Каъбани тавоф қилаётган эрмишмен. Ногоҳ, сочлари силлиқ, бугдой ранг бир кишига кўзим тушди. *"Бул ким?"* – деб сўраб эрдим, *"Ибн Марям"*, – дейишди. Кейин атрофга аланглаб гавдаси улкан,

афти-ангори қизғиш, сочлари жингалак, бир кўзи кўр кишини кўриб қолдим. Унинг ўшал кўр кўзи гўёким узум донасидек бўртиб турур эрди. *"Бул ким?"* – десам, *"Бул – Дажжолдур"*, - дейишди. Ул Хузоалик Қатанга кўпроқ ўхшаб кетур эрди". Русча нашрда жуда ҳам тўғри таржима бўлган: *"... этого одноглазого Даджжала"* – яъни, *"... бу бир кўзи кўр Даджжолни"*. Тавсия қилинган таржима: *"У бир кўзи кўр Даджжол каби бошига ёпирилиб"*.

[41] "Фан" 389-с. ва "Шарқ" *(318 а)*: "Изо жоал-қазоу амиялбасар"; "Юлдузча": 292-с.: "Изо жоал-қазбу амиялбасар" "қазо етишса, кўз кўр бўлади". Транскрипцияда "қазбу" хато ёзилган ва у арабча жумла маъносига қараганда, қуйидагича бўлиши керак: إذا جَاءَ القَضَاءُ عَمِيَ البَصَرُ *('изо жо'ал-қазо'у ъамийал-басару)*; Бу арабча жумла бўлиб, айнан шундай мақол мавжуд эмас, лекин, шу маънога яқин қуйидаги оҳангдош мақол мавжуд: إذا جَاءَ القَدَرُ عَمِيَ البَصَرُ *('изо жо'ал-қадару ъамийал-басару)* مجمع الأمثال العربية, تأليف: رياض عبد الحميد مراد, جامعة الإمام محمد بن سعود الإسلامية, 1407 =1986 (الجزء الأول) ص 20-21 Истеъмолда арабча اَلقَضَاءُ وَ القَدَرُ *(қазо'у қадар)* ибораси кўпинча ёнма-ён келгани боис, китобда *"қадар"* сўзи ўрнига *"қазо'у"* ёзилиб қолган бўлиши эҳтимоли бор. Мазмуни: *"Тақдирда ёзилган ишнинг вақти келганда кўз кўр бўлиб қолур."* (Яъни, *тақдири азалда ёзиб қўйилган ишни ҳар қанча ҳаракат билан ўзгартириб бўлмас)*. Шу жойда айни маънодаги бошқа мақол ҳам бор: إذا جاء الحَينُ حارَت العَينُ *('изо жо'ал-ҳайку ҳоратил-ъайну)* – ажал етса кўз ҳайрон қолар. Яна, *"Маккатул-мукаррама халқ маталлари"*да шунга ўхшаш маънода матал бор: إذا نزل القَدَرُ – عَمِيَ البَصَرُ *(иза назлел-гадар – ъамйел-басар)* ¨ .18. أمثال العامية في مكة المكرمة, حسين عبد الله محضر, 1395, ص *(Маталлар халқ шева тилида ёзилган)*. Бу матал қандай ҳолатларда ишлатилиши тўғрисидаги изоҳда бундай дейилган: *"Киши бошига бирон мусийбат тушганда эс-ҳуши, диққат-эътибори ва ақлини йўқотиб, саранг ҳолатда гўё кўзи кўр кишидай кўрмай қолиши мумкин. Бундай ҳолатда Аллоҳ субҳонаҳу ва таъолодан лутфу карам тилаш лозим бўлади"*. Тавсия қилинган таржима: *"Келса қазоу қадар – кўз кўр бўлар"*.

[42] Ал-Кур'онул-карийм: (29:6) Анкабут сураси, 6-ояти карийматан.

[43] Ал-Кур'онул-карийм: (9:73) Тавба сураси, 73-оятн карийма.; ва (66:9) Тахрийм сураси, 9-оятн карийма.

[44] Китобларда таржимаси берилмаган. Жумла маъносига қараганда, арабча бундай ёзилади: بَارَكَ اللهُ فِي سَبْتِكُمْ – *(боракал-лоҳу фий сабтикум)* Мазмуни: *"Аллоҳ субҳонаҳу ва таъоло шанба кунингизни муборакли (баракотли) қилсин!"* Нега айнан, шанба кунининг Аллоҳ субҳонаҳу ва таъолодан муборакли бўлиши сўралмоқда, деган савол туғилиши мумкин. *"Бобурнома"*дан маълумки, подшоҳ Бобурнинг исломнй лашкарлари ҳижрий 933 йил жумодис-соний ойининг 13 – *шанба* куни чодир тикиб, катта жангга ҳозирлик кўра бошлайдилар. Ал-Кур'онул-карийматда السبت *(ас-сабт)* – *шанба, шанба куни* тўғрисида 5 *(беш)* марта турли оятн карийматарда сўз боради, чунончи: *1) Аъроф сураси, 163-оятн карийматида; 2) Наҳл сураси, 124-оятн карийматида; 3) Бақара сураси, 65-оятн карийматида; 4) Нисо сураси, 47-оятн карийматида; ва 5) Нисо сураси, 154-оятн карийматида.* Юқоридаги оятн карийматарнинг мазмунидан аён бўладики, *"Фармон"* муншийси *"Бобурнома"* муаллифи номидан Аллоҳ субҳонаҳу ва таъолонинг имтиҳонидан ўта олмаган қавм السبت *(ас-сабт)* – шанба кунлари ўз ҳалларидан ошгани ва уларнинг турли азобга дучор бўлганлари сабабли, шу куннинг қутлуғ-муборакли бўлишини *"Аллоҳ субҳонаҳу ва таъоло шанба кунингизни муборак қилсин!"* деб, тиламоқда. وَاللهُ أَعْلَمُ بِالصَّوَابِ *(Валлоҳу 'аъламу бис-савоб)* – *Аллоҳ субҳонаҳу ва таъоло тўғрисини билгувчироқдир!* Тавсия қилинган таржима: *"Аллоҳ субҳонаҳу ва таъоло шанба кунингизни муборакли қилсин!"*

[45] Фийл сураси, 1-оятн карийматан. Маъноси: *Фил эгалари.* Тўлиқ оят ва таржимаси: أَلَمْ تَرَ كَيْفَ فَعَلَ رَبُّكَ بِأَصْحَابِ الفِيلِ *('а-лам тара кайфа фаъала раббука би-'асҳобил-фийли)* – "Парвардигорингиз фил эгаларини қандай *(ҳалок)* қилганини кўрмадингизми?" "Фатҳнома"да ўқиймиз: *"Ислом суворийларининг ҳашамат ва дабдабалари дин душманлари ва кофир лашкарнинг кулоқларига етиши билан Муҳаммадий миллат мухолифлари, аҳли ислом Каъбасини бузишга бел боғлаган "асҳоби фил"дек, тоғ жусса ва дев ҳайбат филларни ўзларига мададкор ва таянч қилиб, ҳаммалари бир жон бир тан бўлиб, ўз бузуқи лашкарларини тартибга солдилар.*

Н а з м: *Залил ҳиндлар "асҳоби фил" каби ўз филларига магрур бўлдилар.*

Ҳаммалари ажал тунидай хунук ва шум, тундан қори ва юлдузлардан кўпроқ эдилар."

Хўш, *"асҳоби фил"* – "фил эгалари" кимлар? Уламо муфассирлар ривоятларига қараганда, Яман подшоси Абраҳа милодий 570 йили Каъбани бузиб ташламоқ ниятида кўп сонли фил минган лашкарлари – фил эгалари билан Маккага юриш қилади. У кофирлар тепасига Аллоҳ таъолонинг иродаси билан *"тўп-тўп қушлар"* учиб келиб, тумшуқларида келтирган тошлари билан Абраҳа аскарларини ҳалок қилади. Натижада, душман аскарлари

маглуб бўлиб, шу *"Фил йили"*да таналлуд топажак Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) учун, келажак ислом дини учун Каъба сақлаб қолинади. Бу воқеа билан Аллоҳ субҳонаҳу ва таъоло барча ғайридинларга Ўз қудрат ва мўъжизасини эслатиб, кимки Унинг умматига қарши ҳаракат қилса, оқибати нима билан тугаши ҳақида эслатиб қўймоқчи бўлган. Тавсия қилинган таржима: *"Фил эгалари."*

[46] Юқоридаги манба.

[47] Ал-Қур'онул-карийм: (4:95) Нисо' сураси, 95-ояти кариймадан.

[48] Ал-Қур'онул-карийм: (61:4) Саф сураси, 4-ояти кариймадан.

[49] Ал-Қур'онул-карийм: (2:5) Бақара сураси, 5-ояти карийма.

[50] Фатҳ сураси, 1-оятидан: إِنَّا فَتَحْنَا لَكَ فَتْحًا مُبِينًا *('инно фатаҳно лака фатҳан-мубийнан)* – "Биз Сизга очиқ-равшан фатҳ-ғалаба ато этдик.". Абдуллоҳ ибн Муғаффал *(р.а.): "Мен Макка фатҳи куни Жаноб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг туяларида ўлтириб "Фатҳ" сурасини қироат қилганларини кўрдим",* – дейди" (Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий, Ҳадис, 3, Ал-жомиъас-сахих, Қомуслар Бош таҳририяти, Тошкент, 1995, 378-с.) *"Фатҳнома"*да муаллиф араб ҳарфларининг ёзувдаги кўринишидан ҳам жуда моҳирона фойдаланганини кўрамиз: Ислом суворийлари қўлларида тутган байроқ тутқичлари *"Алиф"* ҳарфларига ўхшаб, уларнинг бу жанги Пайғамбар шарпатининг йўллари каби тўғри ва мустаҳкам. Уларнинг қўлларидаги найзалари ҳам *"Алиф"*дай тўғри, учлик ва кескир – إِنَّا فَتَحْنَا لَكَ فَتْحًا مُبِينًا *"Инно фатаҳно"* оятида қатор 7 та (ا) *"Алиф" [ва алифсимон* (ل) *"лом"* ҳамда (ك) *"коф]*лар – байроқ ва найзаларнинг қатор саф тортиб турганига бадиий жиҳатдан моҳирона ўхшатилиб, уларга ишора қилинмоқда. Рус таржимони М.Салье ҳам шу жойда жуда ўринли изоҳ берган: *"Арабская буква алиф (а) пишется в виде вертикальной линии, с утонщением кверху (копье)* – яъни, *"Арабча "алиф" ҳарфи учи юқори кўтарилган тик найза шаклида ёзилади."* Бу – араб ҳарфлари билан яхши таниш бўлмаган рус ўқувчисига матн мазмунини тушуниш учун жуда катта амалий ёрдам беради. Тавсия қилинган таржима: Алифдек найзалари дер: *"Биз голибмиз абад!"* (Тўртлик Ёдгоржон Ўший таржимасида берилди).

[51] Ғул – марказ, ўрта.

[52] Баронғор – жабҳанинг ўнг қаноти.

[53] Жавонғор – жабҳанинг чап қаноти.

[54] " ... ифтихори оли тоҳо ва ёсийн ..." Манбада: "Ва дар жавонғори асокири ислом шиор оличоҳ накобатпаноҳ рифъатдастгоҳ ифтихори оли тоҳо ва ёсийн, қудваи авлоди Саййидил-мурсалин Сайид Маҳди Хоча..." (391-с. // 294-с.) Китобдаги таржимаси: *"Ислом шиорли қўшиннинг жавонгорида олий даражали пайғамбарнинг энг зубда авлоди Сайид Маҳди Хожа..."* (473/364-с.) Бу ерда *"зубда авлоди"* нима эканини оддий китобхон тушуна оларминкан? Шунингдек, *"оли тоҳо ва ёсийн"* калималари ҳам ўзбек тилига таржима қилинмасдан тушиб қолган. Аммо, русчада аниқ-равшан мана бундай ёзилган: *"Гордость рода Та-ха и Я-сина, предводитель потомков господина посланных Сейид Махди ходжа..."* ва қуйидагича изоҳ берилган: *"Гордость Та-ха и Я-син", т.е. гордость мусульман Та-ха – гл. 20, Я-син – гл.36 Корана; так же именуется иносказительно семья Мухаммеда."* Маълумки, *"Тоҳа"* ва *"Ёсийн"* Ал-Қур'онул-карийм суралардан икки суранинг номи бўлиб, айни вақтда улар араб ҳарфлари номини ҳам англатади: ط (то), ها (ҳо) ҳамда ي (ё), س (сийн) каби. Аммо, *"Таҳа"* ва *"Ёсийн"* сураларининг номига келсак, у ҳақда уламолар турлича фикрдалар. Баъзи уламолар *"Тоҳа"* – Пайғамбаримиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг исмларидан бири, десалар, яна баъзилари *"Ёсийн"* – Эй инсон, деган сўзнинг қисқартмасидан иборат, дейдилар. Китобда *(ифтихори оли тоҳо ва ёсийн)* иборани мутлақо таржима этилмай, тушириб қолдирилган. Форсий матннинг мазмуни қуйидагича бўлиши керак эди: *("Тоҳа"* ва *"Ёсийн"* хонадонининг ифтихори, Аллоҳ юборган Пайғамбарларнинг Саййиди бўлган Муҳаммад алайҳис-салом зурриётининг намунаси Саййид Маҳдий Хожа...) Албатта, *"Тоҳа"* ва *"Ёсийн"* Ал-Қур'онул-карийм суралардан икки суранинг номи эканлиги ҳақида изоҳ бериш зарур. Тавсия қилинган таржима: *"Тоҳа" ва "Ёсийн" хонадонининг ифтихори, Аллоҳ юборган Пайғамбарлар Саййиди бўлган Муҳаммад алайҳис-салом зурриётининг намунаси Саййид Маҳдий Хожа ...*

[55] Тўлғама – душман орқасидан айланиб ўтиш.

[56] Жулду – алоҳида ҳарбий хизматлари учун бериладиган махсус мукофот.

[57] Ал-Қур'онул-карийм: (14:28, 29) Иброҳим сураси, 28, 29-оятидан кариймадан. Ушбу оятни карийманинг бир қисми китобда қўштирноқ билан ажратилмаган ва бу билан Ал-Қур'онул-карийм оятидан эканига ишора қилинмаган. Бунинг устига, *"қисқартирилган таржима"*лар жумласидан ўрин олиб, изоҳ бериш тугул, таржима чала: "тамугга юборибо"

шаклида ўгирилган. ...دَارَ الْبَوَارِ (٢٨) جَهَنَّمَ يَصْلَوْنَهَا وَبِئْسَ الْقَرَارُ *(... дорал-бавори, жаханнама йаславнаҳо ва би'сал-қарор)* - "Халокат чоҳига – ўзлари кирадиган жаханнамга кулаб тушар эди*(лар)*. Нақадар ёмон жой у!" *Форсий "Фармон"нинг ўша жойини тўғрилаган холда* иқтибос келтирамиз: *"Ва баронгори кафара ба каррот ва маррот ҳамлаҳо бар жониби жавонгори лашкари ислом овардand ва худро ба гузоти зун-нажот расониданд ва ҳар навбат гозиёни изом ваъзеро ба захми сиҳоми зафарфаржом ба "дорал-бавори жаханнама йаславнаҳо ва би'сал-қарор" фиристода, бархеро баргардониданд..."* Иқтибоснинг мазмуни: *"Ва кофирларнинг баронгори ислом лашкарларининг жавонгори томонидан қайта-қайта ҳамлага дучор бўлиб, ўзларини нажоткор гозийлар қаршисида сезардилар ва хар сафар қудратли гозийлардан бирининг зафар найзасига дучор бўлиб "халокат чоҳига – ўзлари кирадиган жаханнамга қулаб тушар эдилар. Нақадар ёмон жой у!"* Буни каранг, бевосита жанг майдонидан олиб борилган хабар матни Ал-Кур'онул-кариймдаги "Иброҳим" сурасининг 28-29-оятларидан олинган арабий каломи билан форсий жумлаларидан таркиб топган *"шийру шакар"* услубида ажийб маҳорат билан боғланган-а?! Қандай қилиб ана шундай манзарали жойларни *"Фатҳнома"*дан чиқариб ёки тушириб юбориш мумкин? Тўлиқ ояти карима қуйидагичадир: أَلَمْ تَرَ إِلَى الَّذِينَ بَدَّلُوا نِعْمَتَ اللَّهِ كُفْرًا وَأَحَلُّوا قَوْمَهُمْ دَارَ الْبَوَارِ (٢٨) جَهَنَّمَ يَصْلَوْنَهَا وَبِئْسَ الْقَرَارُ *(а'лам тара 'илал-лазийна баддалув ниъматал-лоҳи куфран ва 'иҳаллув қавмаҳум дорал-бавори, жаханнама йаславнаҳо ва би'сал-қарору)* – *"(Эй инсон),* Аллоҳнинг неъматини *(яъни, иймонни)* куфрга алмаштириб юборган ва қавмларини *(яъни, ўзининг ортидан эргаштирганларни)* халокат чоҳига – ўзлари кирадиган жаханнамга кулатган кимсаларни кўрмадингми? Нақадар ёмон жой у!"

[58] Ал-Кур'онул-карийм: (9:52) Тавба сураси, 52-ояти карийматан. Китобда: "кул хал тараббасуна бино илло ихдал-ҳуснайн" деб, нозик нахвий хатога йўл қўйилган – "ҳуснайн" эмас, "ҳуснайайн." Тўғри ўқилиши: *(кул хал тараббасувна бино 'илло 'иҳдал-ҳуснайайн).* Китобдаги таржима: "Айт, икки эзгуликдан бошқа бирор нарсани биздан кутадиларми?" Таржимада "икки эзгулик"дан мурод нима эканига шарҳ берилмай, мазмуни қоронғулигича қолиб кетган. "Икки эзгулик" – ё ғалаба қилиб ғозий бўлиш, ё Аллоҳ субҳонаҳу ва таъоло йўлида шаҳид бўлишдир. قُلْ هَلْ تَرَبَّصُونَ بِنَا إِلَّا إِحْدَى الْحُسْنَيَيْنِ *(кул хал тараббасувна бино 'илло 'иҳдал-ҳуснайайни)* Маъноси: *"(Эй Муҳаммад (с.а.в.),* айтинг: "Сизлар биз учун фақат икки яхшилик *(яъни, ё шаҳид бўлишимиз, ёки ғалаба қилишимиз)*дан бирини кутмоқдасизми?" *"Фармон"* таржимасининг ўша жойидаги қитъа мазмунига эътибор берайлик: *"Барча жангчилар тўлиқ саъй ва гайрат билан урушга рағбат кўрсатиб, "(Эй Муҳаммад (с.а.в.),* айтинг: "Сизлар биз учун фақат икки яхшилик *(яъни, ё шаҳид бўлишимиз, ёки ғалаба қилишимиз)*дан бирини кутмоқдасизми?" *деган оятни назари эътиборга олдилар ва жон бериш юришини қилиб, жон олиш байроғини кўтардилар."* Демак, мусулмон лашкарлари олдида икки йўл турипти: *Ё душман устидан ғалаба қилиб ғозий бўлиш, ё Ҳақ йўлида жон бериб шаҳид бўлиш...*

[59] Ал-Кур'онул-карийм: (101:6, 7) Ал-Қориъа сураси, 6, 7-ояти карийматари. Китобдаги таржима: "Кимнинг тоши оғир келса, у яхши турмушда яшайди". فَأَمَّا مَنْ ثَقُلَتْ مَوَازِينُهُ (٦) فَهُوَ فِي عِيشَةٍ رَاضِيَةٍ (7) *(фа'аммо ман сақулат мавозийнуҳу. Фа-ҳува фий ъийшатин розийатин)* Муфассир таржимаси: *"Бас, энди (у кунда) кимнинг тортилган (яхши амаллари) оғир келса, ана ўша (киши, ҳар бир инсон) рози бўладиган – орзу қиладиган ҳаётда бўлур".* Ушбу ояти карименинг икки хил таржимаси ва тафсири ўртасидаги фарқ ўз-ўзидан кўриниб турибди. Ал-Кур'онул-карийм оятининг сўзма-сўз таржимаси бу ерда ҳам мутлақо мос тушмаслиги равшандир.

[60] Ал-Кур'онул-карийм: (101:5) Ал-Қориъа сураси, 5-ояти карийма. Китобдаги таржима: "таралган юнгдай". وَتَكُونُ الْجِبَالُ كَالْعِهْنِ الْمَنْفُوشِ – *(ва такувнул-жиболу кал-ъиҳнил-манфувши)* Муфассир таржимаси: "Тоғлар эса титилган жун каби *(осмонда учиб юрадиган)* бўлиб қолур!" "Фармон"нинг мати мазмунидан келиб чиқиб қарайдиган бўлсак, *"... темир кўргондек кофирлар сафига шундай жуссали тошларни отардики, ... агар қаттиқ тоққа ёки баланд тепага отсалар "таралган юнгдай" тит-пит қилиб юборади."* Энди, *"таралган юнгдай"*нинг ўрнига *"титилган жун каби"* иборани қўйиб кўрсак, қайси бири мос келиши дарҳол аён бўлади-қолади. Дарҳақиқат, катта жуссали тошлар куч билан отилганда, албатта у ерни титилган жун каби тит-пит қилиб *(осмонда учириб)* юборишни аниқ ва у мантиққа тўғри келади. Шунингдек, рус тилига қилинган таржимада ҳам *"как шерсть расчесаная"* – *"таралган юнгдай"* деб нотўғри ўгирилган. Контекст маъносига кўра *"как шерсть распушенная"* муносиб бўлур эди.

[61] Қадим даврларда (яъни, жоҳилиятда) Ер улкан балиқ устида ўрнашган, деб тасаввур қилинар эди. Бундай гап Исломда йўқ.

[62] (65:12) Талоқ сураси, 12-оятн кариймада: *"Аллоҳ етти осмонни ва Ердан ҳам ўшаларнинг мислини (яъни, етти қават Ерни) яратган Зотдир"* дейилади. Онша (р.анҳо)дан ривоят қилинадики: *"Расулуллоҳ (с.а.в.): "Бир қарич ерни зулм билан тортиб олган кимса бўйнига етти қават Ердан иборат тавқи лаънат илингай"*, – деб айтганлар" (Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий, Ҳадис, 2, Ал-жомиъ ас-саҳийҳ (ишончли тўплам), Қомуслар бош таҳририяти, Тошкент, 1996, 362-с.). Демак, Ер ҳам, Осмон ҳам Исломий манбаъларда зикр этилишича, етти қаватдан иборат экан. Буни ҳозирги замон фалакиёт олимлари ҳам тасдиқ этганлар. Русчада ҳам қўпол хатога йўл қўйилиб, қуйидаги изоҳ берилган: "... слоев земли стало шесть, а неба – восемь", т. е. к земле и небу прибавилось по одному слою (по поверью небес – 7, а земных слоев – 5). Бу мутлақо нотўғри! Аслида эса, Муаллиф бу ерда *"Ернинг бир қавати чанг-тўзон билан осмонга кўтарилиб, ер олти қават, осмон эса саккиз қават бўлиб қолди"*, - демоқчи бўлган, деб ўйлаймиз.

[63] Ал-Қур'онул-карийм: (3:139) Оли-Имрон сураси, 139-оятн кариймадан.

[64] Ал-Қур'онул-карийм: (61:13) Саф сураси, 13-оятн карийма.

[65] Ал-Қур'онул-карийм: (37:8) Вас-Соффот сураси, 8 ва (38:69) Сод сураси, 69- оятн кариймаларн.

[66] Ал-Қур'онул-карийм: (4:172) Нисо сураси, 172-оятн кариймадан.

[67] Ал-Қур'онул-карийм: (48:1) Фатҳ сураси, 1-оятн карийма.

[68] Ал-Қур'онул-карийм: (48:3) Фатҳ сураси, 3-оятн карийма.

[69] Ал-Қур'онул-карийм: (101:5) Ал-Қориъа сураси, 5-оятн карийма.

[70] Ал-Қур'онул-карийм: (101:4) Ал-Қориъа сураси, 4-оятн карийма. Китобдаги таржима: "тўзиган палосдек"[70] *(таржима мутлақо нотўғри)*. Зеро, ёзувда бир хил кўринган арабча فراش *(фарош)* сўзи *(الجمع – кўплик сонда) "парвоналар"*ни билдирса, فراش *(фирош)* – *"палос, тўшак, ётоқ жой"*ни англатади. Фармон таржимонига мазкур икки сўз бир-бири билан янглиш тушунилган бўлса керак... يَوْمَ يَكُونُ النَّاسُ كَالْفَرَاشِ الْمَبْثُوثِ *(йавма йакуунун-посу кал-фарошил-мабсувси)*. Муфассир таржимаси: "У Кунда одамлар тўзғитиб юборилган парвоналар каби бўлиб қолурлар!" (Яъни, қабрларидан чиқишиб, Қиёмат даҳшатидан ўзларини ҳар ёнга уриб-тўзиб кетадилар). *"Бобурнома"* муаллифи бу билан жанг майдонидаги тўс-тўполонни бўлажак Қиёмат қоим даҳшатига қиёсламоқда.

[71] Тамуқ – дўзах, жаҳийм, жаҳаннам.

[72] Ал-Қур'онул-карийм: (4:145) Нисо' сураси, 145-оятн кариймадан.

[73] Юқоридаги манба.

[74] Ал-Қур'онул-карийм: (105:1) Фийл сураси, 1-оятн карийма.

[75] Ал-Қур'онул-карийм: (17:46) Ал-Исро' сураси, 46-оятн кариймадан.

[76] Ал-Қур'онул-карийм: (33:38) Аҳзоб сураси, 38-оятн кариймадан.

[77] Ал-Қур'онул-карийм: (2:127, 137; 5:76; 6:13;, 115; 8:61; 10:65; 12:34; 21:4; 26:220; 29:5, 60; 41:36 ва 44:6).

[78] Ал-Қур'онул-карийм: (3:126) Оли-Имрон сураси, 126- оятн кариймадан. Демак, 75-78- изоҳлардаги оятн кариймалар аввалги нашрларда батамом тушириб қолдирилган экан.

[79] Ўзбекча таржимада: "933 (ҳижрий) йил шаъбон ойининг 25-ичисида битилди" деб, хато ёзилган.

САИДБЕК ҲАСАНОВ
ШОКИРХОН РУСТАМХЎЖАЕВ

БОБУР ШОҲНИНГ ИККИ ФАРМОНИ

Босишга рухсат этилди 08.05.2010 йил. Бичими 60x84 $^{1}/_{16}$.
«Times Uz» гарнитураси. Офсет усулида босилди.
Шартли босма табоғи 3,0. Нашр босма табоғи 2,75.
Тиражи 100. Буюртма № 80.

«Fan va texnologiyalar Markazining bosmaxonasi» да чоп этилди.
100003, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 171-уй.